

Saida Kurbanova

**UMUMIY O'RTA TA'LIM
MAKTABLARINING YUQORI
SINFLARIDA ADABIYOT
O'QITISHNING AYRIM
MASALALARI**



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI KAFEDRASI

Saida Kurbanova

**UMUMIY O‘RTA TA‘LIM
MAKTABLARINING YUQORI SINFLARIDA
ADABIYOT O‘QITISHNING AYRIM
MASALALARI
(uslubiy qo‘llanma)**

Ushbu uslubiy qo‘llanma Urganch davlat universiteti o‘quv-uslubiy kengashining 2018-yil 5-maydagi 6-sonli yig‘ilishi bayonnomasi qaroriga asosan nashr qilishga tavsiya etilgan.

Urganch – 2018

7

K 94

Saida Kurbanova. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining yuqori sinflarida adabiyot o'qitishning ayrim masalalari. Uslubiy qo'llanma. Mas'ul muharrir **S.R.Ro'zimboyev.** O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi Urganch davlat universiteti. Urganch, Urganch davlat universiteti noshirlik bo'limi, 2018-yil, 48 bet.

YŷK 373.5.016:821.512.133

КБК 74.268.3

Mazkur o'quv-uslubiy qo'llanmada umumta'lim maktablarining yuqori sinflarida adabiyot o'qitishning ayrim masalalari o'z yechimini topgan. Yozuvchi biografiyasini o'rgatish jarayonida o'quvchilar kitobxonligini rivojlantirish bo'yicha ayrim tajribalar, ifodali o'qish malakasini egallash kabi qator masalalar qo'llanmadan o'rin olgan.

O'quv-uslubiy qo'llanma umumiy o'rta ta'lim maktablarining onatili va adabiyot fani o'qituvchilariga yordam tariqasida tavsiya qilinadi.

Mas'ul muharrir

S.R.Ro'zimboyev, f.f.d., prof.

Taqrizchilar:

**D.G'ayipov, f.f.n., dotsent,
I.Xajiyeva, f.f.n.**

ISBN: 978-9943-5179-2-9 © UrDU noshirlik bo'limi, 2018.

© **Saida Kurbanova.** Umumiy o'rta ta'lim maktablarining yuqori sinflarida adabiyot o'qitishning ayrim masalalari. Uslubiy qo'llanma.

КИРИШ

Мамлакатимизда таълим-тарбия ишлари йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Мактабларда ёшларга билим бериш замонавий талаблар даражасида амалга оширилмоқда. Ёшларни ҳар томонлама етук, комил инсон сифатида шакллантириш замон талабидир. Бу жараёнда адабиёт ўқитишнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини шакллантириш ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойишида таъкидланишича, таълим муассасаларида синфдан ташқари ўқиш учун тавсия этилган ўзбек ва чет эл адибларининг мумтоз ва замонавий асарларини танлаб, хрестоматия адабиётлари рўйхатларини қайта кўздан кечириш ва ўқув жараёнига мутолаа этилган асарлар асосида иншо ёзиш тизимини жорий этиш, адабиёт тўғараклари фаолиятини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини қайта кўриб чиқиш лозим¹.

Шундай экан, эндиликда адабиёт ўқитиш, шу жумладан, бадиий асарларни мутолаа қилиш тартибини тубдан қайта ташкил этиш керак бўлади.

Тан олиш керакки, кейинги пайтларда бадиий адабиёт ўқишга қизиқиш, баён, иншо ёзиш анъаналари анча сусайди. Натижада оғзаки ва ёзма нутқ маданияти орқада қолди, имловий билимдонлик ўрнини саводсизлик эгаллай бошлади. Буни кўчаларда ёзилган турли эълонлар, рекламалар, номлар ҳам тасдиқлайди.

Бу деган сўз мактабларда она тили ва адабиёт дарсларини ўргатиш усулларини ижодий томонга кескин буриш демакдир. Энг асосийси, ўқувчиларда китобхонлик иштиёқини кучайтириш зарур.

Аслида, ўқувчиларни китоб ўқишга қизиқтириш бошланғич синфларданоқ йўлга қўйилиши керак. IX синфгача китоб ўқиб, ундан баҳра

¹ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2017 йил, 13 январ. –№ 3.

олмаган ўқувчини бадий асар ўқишга ўргатиб бўлмайди. Шундай бўлса-да, юқори синфларда адабиёт тўғаракларининг ишини яхши йўлга қўйиш, маҳаллий шоир ва ёзувчилар билан ҳамкорликда адабий кечалар уюштириш бу соҳадаги ишларни ижобий томонга ўзгартириш имконини яратади.

Кейинги пайтларда баён ва иншо ёздиришнинг сусайганига тест тизимига ўтилиши ҳам сабаб бўлди. Тест синовлари адолатли ҳукм чиқаришнинг асосий пойдевори бўлганлигидан уни бекор қилиб бўлмайди. Шу сабабли юқори синфларга дарс берадиган адабиёт ўқитувчилари бу анъанани изчил давом эттириб, ўқувчиларда ёзув малакасини ҳосил қилиш, саводхонликни ошириш, гап тузиш – услубий мукамалликни шакллантириш учун тинмасдан иш олиб боришлари керак.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ўқувчиларда китоб ўқишга рағбат ҳосил қилиш учун ўқитувчининг ўзи китобхон бўлиши керак. Акс ҳолда ўқувчиларни адабий асарлар ўқишга жалб қилиб бўлмайди. Ўқувчилар турлича бўлишади. Бировлари ўқитувчининг кўрсатмасини кутмасдан китоб мутолаа қилаверади. Бировлари мажбур қилсанг ҳам китоб ўқимайди. Бундай тоифадаги ўқувчилар билан ишлаш ниҳоятда қийин. Албатта, ҳаммани китобхон даражасига юз фоиз олиб чиқиш қийин. Шундай бўлса-да, бу соҳадаги ишларни тўхтатмаслик зарур.

Ҳозирги даврда умумтаълим мактабларида баён ва иншо ёзиш анъаналарини кескин жонлантириш керак. Негаки, олий ўқув юр்தларининг филология факультетларида ўқиётган талабаларнинг ҳам китоб ўқишга рағбати йўқлиги бир томон, ёзув малакасини эгалламагани эса иккинчи томондир.

Олий ўқув юртида китобхонлик масаласига янада жиддий эътибор қаратиш, иншо ёзиш анъанасини давом эттириш шарт. Қолаверса, талабаларни бу ишга мажбурий жалб этиш зарур. Чунки бу талабалар пайти келиб мактабга боришади ва ўзига ўхшаган ўқувчиларни тарбиялаб чиқаради.

Олий ўқув юртларида мустақил иш деган дарс бўлиб, унда ўқилган бадиий асар бўйича иншо ёзишни ташкил этиш айтиш муддаодир. Бу соҳада ҳозир камчилик ниҳоятда бисёрдир. Чунки мустақил ишларнинг тақдим қилинаётганлари ўз номига яраша эмас.

Мактабларда ҳар бир ёзувчи ижодини ўргатишда ўша ёзувчининг асарларига ўқувчилар эътиборини жалб қилиб, агар шоир бўлса, камида иккита шеърини ёдлатиш шарт. Агарда наср усталаридан бўлган ёзувчилар бўлса, албатта, уларнинг романларидан камида биттасини ўқитишни амалга ошириш зарур.

Адабиёт дарсларида адиблар ҳаётини ўргатишда уларнинг машҳур шеърларига, омма орасида кенг тарқалган йирик насрий асарларига эътиборни кучайтириш лозим.

Масалан, Абдулла Қодирий, Ойбек каби ёзувчилар ижодини ўргатишда “Ўткан кунлар”, “Навоий” каби романларга кенгроқ тўхталган маъқул. Ўқувчилар бу асарларнинг видеофильми ёки кинофильмининг кўрганликлари сабабли китобни ўқишни ортиқча деб билишади. Шу сабабли ўқитувчи ҳеч бир кўрсатув китоб ўрнини боса олмаслигини исботлаб бериши зарур.

Китоб ўқиш, аввало, саводхонлик қобилиятини юксалтиради, воқеалар силсиласи ўқувчи дунёқарашини кенгайтиради, қолаверса, мия фаолиятини яхшилайдиган, оғзаки ва ёзма нутқни ўстиради.

Бинобарин, юқори синфларда адиблар ижодини ўргатишда муаллим асосий эътиборни ўқувчилар китобхонлигини юксалтиришга қаратиши давр талаб қилаётган масъулият эканини ҳис қилиши лозим.

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Амир Темурнинг Мироншоҳ деган ўғли шажарасидан тарқалган бўлиб, унинг бешинчи авлодига мансубдир.

Умумий ўрта таълим V синф ўқувчилари дарсликдаги шоир ҳақида берилган қисқа маълумотни тезда ўқиб, ўрганиб олишади. Ўқувчиларга Бобур ўзбек халқининг буюк ўғлони эканини аёнлаштириш учун мамлакатимиз

биринчи Президентининг қуйидаги сўзларини олдиндан йирик ҳарфлар билан ёзиб, доскага осиб қўйиш жоиздир:

“Бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ўзбек халқининг доғруғини дунёга таратган буюк аждодларимиздан ўлароқ, ул зот бизни ўтмиш тарихимизни қадрлашга, келажакка буюк ишонч билан қарашга ўргатди”.

Кейин эса шоир ҳаётидаги энг муҳим саналарни кўрсатувчи жадвали болалар эътиборига ҳавола қилиш яна ҳам яхши натижа беради.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти, ижодига оид муҳим саналар:

1483 йил 14 февралда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Фарғона вилоятининг пойтахти Андижон шаҳрида туғилган.

1488 йилда Бобур биринчи марта Самарқандда бўлган ва бу шаҳар билан танишган. 1494 йил 6 июлда Бобур Фарғона вилоятининг ҳокими бўлган. 1496 йилда Бобур шоирлар Муҳаммад Солиҳ ва Биноий билан кўришган.

1497 йил охирида Бобур биринчи бор Самарқандни кўлга киритган.

1500 йилда Бобур иккинчи бор Самарқандни эгаллаган. У Алишер Навоий билан мактублар ёзишади. 1503 йилда Бобур Афғонистонга кетади. 1504 йил сентябрда Бобур Қобулни эгаллаган. Шу йили у “Хатти Бобурий”ни ихтиро қилган.

1506 йилда Бобур Ҳирот шаҳрига Ҳусайн Бойқаронинг таъзиясига боради ва Алишер Навоий қурдирган барча бинолар билан муфассал танишиб чиқади.

1508 йил 8 мартда Бобурнинг Ҳумоюн номли ўғли туғилган.

1511 йилда Бобур Самарқандни учинчи марта эгаллаган. 1519 йил июлда Бобур Самарқанд шаҳридаги Фулод Султонга ўзининг девонини юборган.

1528 йил 27 декабрда Бобур Ҳиндистонда яратган шеърлари “Ҳинд девони”ни тугатгани ҳақида дастхат чекади. Бу дастхат-автограф Бобурдан бизгача етиб келган ягона нусхадир.

1530 йил 26 декабрда Бобур Агра шаҳрида 47 ёшида вафот этган.

Бобурдан 4 ўғил – Ҳумоюн, Комрон, Аскарӣ, Ҳиндол; уч қиз – Гулчеҳрабегим, Гулрангбегим, Гулбаданбегим туғилган.

Ушбу маълумотлардан сўнг шоир ҳақида илм аҳллариининг эътирофларини келтирган маъқул:

Жавоҳарлал Неру:

Бобур – дилбар шахс. ... Мард ва тadbиркор одам. У санъатни, адабиётни севарди (Ватан адабиёти. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – Б. 27.).

Фалсафа фанлари доктори Ҳ.Алиқулов:

Бобур ўзбек адабиёти, тарихи, географияси, фалсафасига катта ҳисса қўшган мутафаккирдир. У ёшлигидан бошлаб, ижод билан шуғулланиди, лирик шеърлар ёзди. Лекин уни бутун жаҳонга танитган асари “Бобурнома”дир (Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 283.).

Профессор Б.Н. Валихўжаев:

Бобур ўзининг бой адабий-илмий мероси билан адабиёт тарихида ўзига хос ўринни эгаллайди. Унинг “Бобурнома” асари эса муаллифнинг номини жаҳон бўйлаб машҳур қилиш билан бирга, ўзи ҳам энг шуҳрат қозонган, кўпчилиكنинг мактов ва ҳурматига сазовор бўлган шоҳ асарлардан бирига айланиб қолди (Ўзбек адабиёти тарихи. III том. – Т.: Фан, 1978. – Б. 42.).

IX синфнинг “Адабиёт” дарслигида Бобурнинг ғазалларидан намуналар ва “Бобурнома” асаридан парчалар келтирилган. Дарвоқе, Бобурнинг энг машҳур асари “Бобурнома”дир. У дастлаб “Вақоеъ” (“Воқеалар”) деб аталган. Сўнгроқ “Воқеоти Бобурий”, “Воқеанома”, “Тузуки Бобурий”, “Бобурия” номларини олди. Охирида “Бобурнома” бўлиб шуҳрат топди.

“Бобурнома” Заҳириддин Бобурнинг бутун умри давомидаги эсдаликларидир. У 12 ёшидан ҳаётининг сўнгигача бўлган воқеаларни қайд қилиб борган ва умрининг охирларида 1525-1530 йилларда ушбу асарни яратган, деб тахмин қиладилар.

Асарда 910 (1504-1505), 915 (1509-1510), 924 (1518-1519), 927 (1520-1521), 928 (1521-1522), 930 (1523-1524), 931 (1521-1525) йилларнинг воқеалари берилмаган. Бу 15-16 йилнинг тушиб қолиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Айрим олимларнинг фикрича, бу саҳифалар жанг-у жадалларда йўқолган. Бобур ҳар бир йилга алоҳида тўхташни мақсад қилиб қўймаган, бу муаллифнинг ўзига хос усули, деганлар ҳам бор.

“Бобурнома”нинг ўндан ортиқ қўлёзма нусхалари бўлиб, жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланади. Асарни 1857 йилда Қозонда Н.И.Ильминский, 1905 йилда Лондонда Бевериж хоним нашр этдилар. Ўзбекистонда дастлаб профессор Фитрат 1928 йилда “Бобурнома”дан парчалар эълон қилган эди. Асар 1948-1949 йилларда 2 жилдда нашр этилди. 1960, 1989 йилларда “Бобурнома”нинг тузатилган нашри амалга оширилди.

“Бобурнома” XVI асрдаёқ турли Шарқ тилларига таржима қилина бошланган. Жумладан, 1586 йилда форс тилига ўгирилган. Ёднома Овропога XVIII асрнинг бошида кириб борди. 1705 йилда Витсен китобни голланд тилига таржима қилиб, Амстердамда чоп этди. 1926 йилда Ж.Лейден ва В.Эрскин унинг инглизча таржимасини, 1871 йилда Паве де Куртейл французча таржимасини нашр қилдилар. XX асрда бу асарни Рашит Раҳмати Орат туркчага, Михаил Салье русчага таржима қилдилар. 1826-1985 йиллар давомида “Бобурнома” 4 марта инглиз (1826, 1905, 1921, 1922), 3 марта француз (1871, 1980, 1985), 1 марта немис (1878) тилига ўтирилиб нашр этилди. Унга асосланиб, Бобурнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи ўнлаб бадиий асарлар яратилди. Булар орасида франциялик Флора Анна Стилнинг “Бобурхон” (Париж, 1940), Фернанд Гренарднинг “Бобур” (Париж, 1930) АКШлик Ҳаролд Лембнинг “Бобур – йўлбарс” (Нью-Йорк, 1961) романлари, Вамбер Гасконининг “Бобур ва унинг авлодлари ёки Буюк Мўғуллар” (Нью-Йорк, 1980) эссе-романлари бор. Ҳиндистонлик Муни Лаъл Бобур ва бобурийлар ҳақида 6 та роман ёзган.

Ўзбек адабиётида П.Қодиров, Б.Бойқобилов, Х.Султонов Бобурга бағишлаб роман, қисса ва достон яратдилар.

Айниқса, Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар”, “Авлодлар довони” каби романларида Бобур ва унинг авлодлари ҳаёти батафсил тасвирланган.

“Бобурнома” комусий асар бўлиб, унда Хуросон ва Ҳиндистон ҳудудлари табиати, қушлари, ҳайвонлари, ўсимликлари батафсил тасвирланган. Шунингдек, халқ этнографиясига оид муҳим маълумотлар ҳам учрайди. Масалан Бобур мевалар ҳақида шундай ёзади:

“Яна хурмодир. Агарчи хурмо Ҳиндистон махсуси эмас. Чун ул вилоятларда йўқ эди, мазкур бўлди. Хурмо дарахти Ламғонда ҳам бордур, шохлари дарахт калласида бир ерда-ўқ бўлур. Барглари шохларининг тубидин учиғача икки тарафида бўлур, танаси ноҳамвор (нотекис) ва бадранг (кўримсиз) дур. Меваси узумнинг хўшасидек бўлур, хўшасидин хили улуғроқ бўлур.

Дерларким, наботот орасида хурмо дарахтининг икки иши ҳайвонотқа ўхшар: бир улким, нечукким ҳайвонот бошини кесарлар – ҳаёти мунқатиъ бўлур (узилур). Хурмо дарахтининг ҳам боши кесилса, дарахти курур. Яна бир улким, нечукким ҳайвоноттин бенар натижа ҳосил бўлмас, хурмо дарахтига ҳам нар хурмодин шохини келтуруб, тегурмасалар, яхши бар бермас. Бу сўзнинг ҳақиқати маълум эмас” (“Бобурнома”, 355-бет.).

“Бобурнома”да қаламга олинган 1514 йил воқеаларида шундай бир лавҳа учрайди:

“Хўжа Сеёроннинг яқинига етганда, бир улуғ йилонким, йўғонлиги билакча ва узунлиги бир қулоч бўлғай эди, ўлтурулди. Бу улуғ йилоннинг ичидин бир инчкарак йилон чиқди, ғолибо ўшул яқинда ютуб экандур, бори аъзоси бутун эди... Бу инчка йилоннинг ичидан бир катта сиқчон чиқти, ул ҳам бутун эди” (“Бобурнома”, 306-бет.).

Бобур баъзан кишилар ҳолатининг икир-чикирларигача диққат қилади:

“Давлатхон ул қарилиғи била белига икки қилич боғлабтур... тўрт-беш ой сочимни қирқмайтур эдим, чоршанба куни ойнинг йигирма еттисида сочимни қирқтим” (“Бобурнома”, 307-бет.).

“Шанба куни Алишанг била Алангорнинг оралиғидаги тоғни овладук... хили кийик ўлди. Овдин ёниб, Алангорда маликларнинг боғига тушуб, суҳбат тутулди. Илгариги тишимнинг ярими синиб, ярими қолур эди, бугун таом ейдурганда қолғон ярими ҳам синди” (“Бобурнома”, 320-бет).

“Йўлда борурда анинг (Қосибекнинг) отининг қолғонини боқар хаёл қилиб, қайрилдим. Танг бўшаб экандур, эгар эврулди. Бошим била ерга йиқилдим, агарчи ўшул замон кўпуб отландим, вале ақлим оқшомғача қарориға келмади” (“Бобурнома”, 151-бет).

Бобур бир ўринда “мақсуд ўзининг таърифи эмас, баёни воқеи бу эдиким, таҳрир этибдурман”, – деб ёзади.

Араб, форс тарих асарлари кўпинча сажъ (қофияли наср) йўли билан ёзилган. Бу ҳол бизда халқ оғзаки ижоди намуналарида учрайди. “Бобурнома” сажъда ёзилган эмас. Лекин гоҳо унинг айрим унсурлари кўзга ташланади. Бобурнинг Султон Иброҳим ҳақидаги фикрларида ҳам бунини кузатиш мумкин. Бобур унга баҳо бериб ёзади: “не келиши саранжомлиқ эди, не туриши, не юруши эҳтимомлиқ эди, не уруши...”

“Бобурнома” ўзбек адабиётида наср тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатади. Бунинг ёрқин намунаси Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк”, “Шажараи тарокима” асарларидир. “Бобурнома”нинг тасвир ва баён усули таржималар орқали бошқа адабиётларга ҳам ўтди. Ғарб ва Шарқнинг фан ва давлат арбоблари Бобурнинг тарих ва маданият олдидagi хизматларини белгилашда бу китобга асосий манба сифатида қарадилар. Ҳиндистон тарихини ёритишда эса, мутахассислар фикрича, ҳали ҳам буюк бобомиз Берунийнинг “Ҳиндистон”идан кейинги муҳим асар “Бобурнома” ҳисобланади.

“Бобурнома” асарини ўрганишда унинг чоп этилган матнидан ўринли фойдаланиш зарур. Асарнинг лексикаси анча мураккаб. Шу сабабли Х.Назарова томонидан “Фан” нашриётида 1972 йилда нашр этилган “Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача луғат” китобидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бобур ижодини ўрганиш жараёнида кўргазма материал сифатида унинг асарларига ишланган миннатуралардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, Бобур ғазаллари билан айтилган ашулалар эшиттирилса, янада яхши натижа беради. Албатта, дарс нихоясида ўқувчиларга шоир рубойларидан айримларини ёдлаш вазифа қилиб берилса, мазкур рубойлардаги ғоя уларнинг ҳаётида ўзига хос тарбия мактаби бўлиб хизмат этади.

БОБОРАҲИМ МАШРАБ

Бобораҳим Машраб ўзбек мумтоз адабиётидан муҳим ўрин эгаллаган, ҳаёти афсоналарга бой, мўъжизавий саргузаштларга тўла бўлган мураккаб, айна пайтда буюк шахсдир. Унинг туғилган йили ҳам анча вақтдан бери мунозараларга сабаб бўлиб келди. Баъзан, 1640, 1647, 1657 йиллар тарзида белгиланиб келди. Сўнгги маълумотлар унинг 1653 йилда туғилганини исботлаётир.

Машраб ёшлигидан мажнунтабиат, қаландарваш, сўфисурат қиёфа касб этиб боради. Шу сабабли устози унга Машраб таҳаллусини беришни маъқул кўради. Чунки бу ном таркибида “шароб” сўзи яширинган. Унинг маъноси “ишқ шаробини ичмоқ”дир.

Шоир ҳаётининг асосий масалаларини ўз ичига олган “Қиссайи Машраб”да эътиборни тортадиган битта лавҳа бор. Бобораҳимни мактабга берганларида унинг устози билан дастлабки суҳбати қуйидагича бўлади. “Устозлари айдилар: “Эй ўғлим, бисмиллоҳиррахмонир раҳим, “Алиф” денг! “Шоҳ Машраб “Алиф” дедилар. Устозлари “Бе” денг, дедилар. Шоҳ Машраб устозларидан сўрадиларки: “Алиф”нинг маъноси нима ва “Бе” нинг маъноси нимадир, эй домла? “Устозлари аччиғланиб, дедиларки: “Эй баччайи нодон, сан ким, бу маънони сўрамоқ ким?” Шоҳ Машраб айдилар: “Эй домла, “Алиф”нинг маъносини сиз айтмасангиз, мен айтурман”. Устозлари айдилар: “Эй ўғлим, “Алиф”нинг маъноси недур?” Шоҳ Машраб айдилар: “Алиф”нинг маъноси бирдур. Ул сабабдин “Бе” демасман. Мундан ўтмак хатодур. Устозлари бу сўзни эшитиб ҳайрон бўлиб қолдилар”.

Ушбу суҳбатда 7 яшар боланинг устозини ҳайратда қолдириши Машрабдаги валилик хислатининг белгиси эди. У “Алиф”нинг бирлигида Оллоҳнинг яккаю ягоналигини кўради. Бу ҳол бўлажак адиб нигоҳида рамзий маъно касб этади.

Шоир шахси ҳақида кўпгина олимлар ўзларининг юксак эътирофларини қайд қилганлар. Улардан айрим намуналар берамиз:

Академик Ғафур Ғулом:

“Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида ўзига хос катта ўрин тутган, оташин ҳажвий шеърлари ва ўйноқи ғазаллари билан халқимиз қалбидан чуқур жой олган, номи бутун Ўрта Осиё ва ундан узоқларга машҳур бўлиб кетган ажойиб шоирларимиздан бири Бобораҳим Машрабдир” (Ғ.Ғулом. Адабий-танқидий мақолалар. I том. – Т.: Фан, 1971. – Б. 84.).

Профессор А.Абдуғафуров:

“Меҳнаткаш халқ, оддий кишилар Бобораҳим Машрабни унинг дадил ва ботир юраги учун, шеърларининг кишини мафтун этувчи қудрати ва исёнкор руҳи учун, ёмонлик ва алдамчилик билан келишмайдиган характери учун севар ва ардоқлар эдилар” (Машраб. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1963. – Б. 8.).

“Машрабнинг кўпчилик ғазаллари, мустазод, мухаммаслари ўзининг ҳаётий мавзуи ва жўшқинлиги, равон ва ўйноқилиги, халқ қўшиқлари каби содда ва самимийлиги, мусиқийлиги ва таъсирчанлиги билан тингловчилар қалбига тезда йўл топа билди, уларга бадий завқ бахш этди” (Ўзбек адабиёти тарихи. III том. – Т.: Фан, 1978. – Б. 251.).

Академик Воҳид Абдуллаев:

“Машраб дунёвий ишқ, ҳаётий муҳаббат мавзуларида замонасининг ажойиб ғазалларини, ўйноқи, шўх лирикасини, ошиқ ва маъшуқларнинг кайфиятига қараб, гоҳ хушнуд, гоҳ ғамгин тароналарни ўз қаламига хос маҳорат билан яратиб қолдирган шоирдир” (В.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – Б. 71.).

Бобораҳим Машраб сўнгги тадқиқотларга қараганда, 1653 йилда Наманганда бўзчи оиласида дунёга келади.

IX синф дарслигида унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилиб, дарсликда шоирнинг “Ўтум” ва “Ўртар” ғазаллари матни ва таҳлили келтирилган.

Бобораҳим Машраб – жаҳонгашта шоир. У ўзининг қисқа умри давомида Осиёнинг кўплаб шаҳарларини кезиб чиқди. Наманган-Хўжанд-Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Қошғар-Истамбул-Макка-Мадина-Балх... Шу сабабли Волга бўйи татарларидан бошлаб, Истамбул, Уйғуристон ва Ўрта Осиё халқлари орасида унинг машрабона сиймоси маълум ва машҳурдир.

Машраб лирикасининг ғоявий мундарижасида инсон ва инсонпарварлик ғоялари юксак поғонада туради. У “Анал-ҳақ” таълимотига асос солган Мансури Ҳаллож изидан бориб, инсон қадр-қимматини Илоҳ даражасида юқори кўтарган буюк адабий сиймодир. Машрабнинг инсонга бўлган муҳаббати умумбашарий аҳамият касб этади.

Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,

Агар бир дилни сен бузсанг, юзар Каъба бузулмазму?

Жунунни кўзғат, эй Машраб, булар маҳкуки таҳқиқдур,

Ки таҳқиқ сирридин фаҳм этки, зулфидек тугалмазму?

Шоирнинг фикрлашича, ҳар бир инсоннинг қалб дунёси уни тавоф этишга, улуғлашга, эъзозлашга лойиқдир. Чунки Парвардигори олам жамики мавжудотлар орасида энг мукаррам зот сифатида инсонни танлаган.

Машрабнинг кенг оммалашган, халқ қўшиғига айланиб кетган “Ўртар” радифли ғазалини билмаган киши кам топилади. Ўтган асрнинг 70-йилларида буюк ҳофиз Муроджон Аҳмедов томонидан маромига етказиб айтилган бу ашуланинг мухлислари ижронинг кучли таъсирига берилиб, ҳофиз билан қўшилишиб куйлаб юришган. Гап ашуланинг моҳирона куйланишидагина эмас, балки инсон руҳиятига, юрак дардларига малҳамлигида ҳамдир.

Ғазал шикаста дилнинг чуқур изтиробини, шоир қалбининг мураккаб нидоларини ўзида жамулжам қилади. Ғазал қалб изҳори услубида яратилган.

Унинг маъно-моҳияти лирик қаҳрамоннинг ишқий кечинмалари асосига қурилган.

Ғазалнинг лирик қаҳрамони Ҳақнинг ҳажрида ўртанаётган, чексиз орзу-армон билан унинг висолига ошиқаётган маҳбубдир. Унинг муножотлари Маъшуқи мутлаққа қаратилган. Манзур, яъни маъшуқа тимсоли ғазалда “нигоро”, “жоно”, “дилбар” сингари даъват, ундалмалар орқали ифодаланади:

Агар ошиқлигим айтсам: куюб жону жаҳон ўртар,

Бу ишқ сиррин баён этсам, тақи ул хокумон ўртар.

Шеърдаги тасвир чуқур муболағалар орқали рўёбга чиқади. Лирик қаҳрамоннинг изҳор қилишича, агарда у ошиқлик васфини батафсил баён этса, жон-у жаҳон куйиб, адо бўлади. Мабодо ишқнинг сирини шарҳласа, бу дунёнинг рўзғори ёниб кетади.

Ғазал матлаъсидан англашиладики, унда илоҳий ишқ тилга олиниб, унинг васфи оддий инсоний муҳаббат кечинмалари тимсолида ифодаланади.

Кишига ишқ ўтидин заррае етса, бўлур гирён,

Бўлуб бесабру бетоқат, юрак-бағри чунон ўртар.

Дилига ишқ оташининг шуъласи тушган ҳар бир ёш кўнгил беҳад эҳтиросли туйғуларни бошидан кечиради. Бундай қараганда, ишқ дардида ғам-алам чекиш, юрак-бағри ўртаниб, ёниб-куйиш ҳар бир ишқ эгасининг феъл-атвориға хос белгидир.

Агарда инсон ишқи Илоҳга боғланган бўлса, унинг ғиғони фалакка ўрмалайди:

Нечук тоқат қилай, дўстлар бу дард ила бўлуб хайрон,

Ғамим бошқа, алам бошқа, юрагимни ғиғон ўртар.

Лирик қаҳрамон ҳижрон азобларига сабри чидамай, ишқ дардининг давосиз эканига иқрор бўлиб, яна дўстларига мурожаат этади:

Мени бехонумон тинмай куюб ҳар дам фироқингда,

“Нигоро!” деб отинг айтсамки, шавқингдин забон ўртар.

Хонумон-у боридан ажралган жафокаш ошиқ “Нигоро!” деб нажот сари интилса, қалбидаги муҳаббат оташидан тили оловланади. Тил ҳам куйгандан сўнг ошиқ ёр таърифини қай йўсинда васф этади?

Қаю тил бирла, эй жоно, сенинг васфинг баён айлай,

Тилим лолу кўзим гирён, сўнгакларни ниҳон ўртар.

Машраб туғма шоир, унинг сўз бойлиги селдай тошиб, мисраларни лиммо-лим тўлдиради. Лирик қаҳрамоннинг тили лол, кўзи гирён, вужуди оловдек ловуллаб ёнади. Ошиқ эҳтироси шундай жунбушга келадики, унга ер-у осмон ҳам чидаш бера олмайди.

Не қаттиғ кун экан, дилбар, висолингдин жудо бўлмоқ,

Менинг оҳим ўтиға бул замин у осмон ўртар.

Ичидаги фарёди фалакни оловга буркаган бу ошиқнинг дарди чег-чегарасиз.

Юракда дарду ғам қат-қатки, менда қолмади тоқат,

Агар бир заррасин бул вақт десам, ишқи баён ўртар.

Шоирнинг қалбида тахланиб ётган қат-қат дард-у изтироблар шу қадар шиддатли ва тошқинки, унинг ягона зарраси ошкор этилса, ишқ ҳақида шу пайтгача кашф этилган ашъорларнинг барчаси ёниб кулга айланади.

Бу дард ила хароб ўлдум, келиб ҳолимни сўрмассан,

Унум чиқса юракдин, бу тану жон, устухон ўртар.

Мисралардан англашиладики, ошиқ ишқ дардида адо бўлди, аммо маъшук унга парво қилмайди, қайрилиб ҳам бокмайди. Ошиқ эса метин ирода билан дардини ичига ютади.

Мабодо дард-аламни қалбидан ташқарига чиқарган тақдирда ҳам у тан-у жон, устухон (суяк)ни куйдириб юбориши, шак-шубҳасиздир. Ишқ дардининг барча жабр-у жафоларини бутун руҳияти ва вужудида англаб турган лирик қаҳрамон бу жафоларни бошқаларга лойиқ кўрмайди.

Бу Машраб дардини, жоноки, ҳеч ким бошига солма,

Агар маҳшарда оҳ урсам, биҳишти жовидон ўртар.

Мазкур байтда лирик қаҳрамоннинг тақдирга фидойилиги, инсонпарварлиги ифода этилган. У ўз тақдир юкини бардош билан ҳазм қилади, аммо бундай қисматнинг эл бошига тушишини истамайди. Агарда у халқ ғамига ачиниб маҳшар куни бир оҳ чекса, бу фарёд оташи оловидан биҳишт-у жаннат ҳам олов гирдобига ғарқ бўлиши турган гап. Машраб ғазалларини ўқувчиларга шарҳлаш ҳам осон, ҳам мураккаб. Осонлиги шундаки, адиб асарларининг лексикаси содда, ўйноқи ва халқчил. Унинг таркибида арабий, форсий сўзлар кам учрайди. Шу боисдан ҳам шоир асарлари халқ орасида жуда фаол оммалашган, қўшиқларга айланиб кетган. Машраб лирикасининг мураккаб томони шундаки, уларда инсоний кечинмалар, кучли тимсолий ифодалар, тасаввуфий оҳанглар жуда кучли. Шу сабабли муаллим дарсликда тасаввуф ҳақида берилган шарҳларни тўла тасаввур қила билиши зарур.

“Ўртар” ғазалини ўргатишда Муроджон Аҳмедов ижросидаги ашулани магнитофонда тинглаб, муҳокама қилиш ҳам яхши самара беради. Бундан ташқари мазкур қўшиқ “Ўткан кунлар” видеофильмида ва кинофильмида ҳам бор. Бу лавҳани ҳам ўқувчиларга эслатиш ёки имкони борича намоёиш қилиш асар мазмунини англаб олишларида яхши ёрдам беради.

“Ўртар” ғазалининг мазмуни шарҳлангандан кейин унинг бадиий хусусиятларини ҳам ёритиб бериш зарурдир. Бунинг учун ғазал таркибидаги образли ифода воситаларига ўқувчилар эътиборини жалб қилиш лозим.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ғазалда ўзлашма сўзлар ҳам иштирок этган бўлиб, улар шеърнинг поэтик оҳангдорлигини ошириш мақсадида қўлланилган. Бу сўзларнинг маънолари аксарият ўқувчиларга маълум бўлса-да, айримларига изоҳ бериш зарур. Масалан:

Биҳишт – жаннат

Жовидон – абадий, мангу

Гирён – йиғламоқ, йиғловчи

Замин – ер

Забон – тил, сўзламоқ

Нихон – яшрин

Маҳшар – қиёмат, тўпланадиган жой

Фиғон – нола, оҳ-у зор.

Айни пайтда ушбу сўзларнинг шеър мисраларини оҳангдор қилишдаги поэтик вазифаларини ҳам изоҳлаб ўтиш фойдадан холи эмас.

Дарсликда келтирилган “Ўттум” радибли ғазални таҳлил қилишда ҳам ушбу усулни қўллаш лозим бўлади.

Машраб ижоди хусусида сўз юритганда яна бир нарсага эътибор бериш лозим. Шоирнинг турли йилларда чоп этилган ғазаллари матнида муайян ўзгаришлар кўзга ташланади. Масалан “Ўттум” ғазалининг дастлабки байти 1963 йилда А.Абдуғафуров томонидан нашрга тайёрланган китобда қуйидагича берилган:

Ишқ водийсидин бир кеча мен ҳай-ҳалаб ўттум,

Зухҳод элини мамлакатин мен талаб ўттум.

Олдим фашу мисвоқни девоналиғ айлаб,

Парвона сифат жоними ўтқа қалаб ўттум.

Кўрдимки вафоси йўқ экан ушбу жаҳонни,

Миндим ажал отини мен қамчилаб ўттум¹.

Юқори синф ўқувчилари Машраб ғазаллари жамланган бундай китобларни ўқиб кўрган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. Қолаверса, ўқитувчининг ўзи ҳам бу ҳолатни кўриб ажабланиши турган гап.

Бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Машраб ғазаллари хусусида А.Абдуғафуров шундай ёзади: “Машрабнинг ўз девонининг йўқлиги, мавжуд қўлёзмаларнинг асосий кўпчилиги шоир вафотидан кейин кўчирилганлиги ва уларнинг бирортасининг ҳам мўътабар нусха деб ҳисоблашга асос йўқлиги ишни ниҳоятда чигаллаштириб юборади. Худди шунинг учун ҳам Машраб асарларини бир ва ҳатто икки-уч қўлёзма асосида тиклашга уриниш кузатилган мақсадни бермайди. Чунки бу қўлёзмалар бир-биридан,

¹ Машраб. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1963. – Б. 62 (Нашрга тайёрловчи: А.Абдуғафуров).

истисносиз, баъзан жуда кескин (ҳам мазмун, ҳам сон-сифат жиҳатидан) фарқ қиладики, улар устида жиддий мулоҳаза қилиш зарур бўлади”².

Бинобарин, Машраб ғазаллари котиблар томонидан кўчирилганда кўпроқ диний руҳни кучайтириш мақсадида ўзбошимчалик билан ўзгартирилган. Шунингдек, шоирнинг Шўро даврида нашр қилинган асарларининг диний мотивларга алоқадор байтлари ёки тушириб қолдирилган ёхуд таҳрир қилинган. Ўз навбатида, эски қўлёзмаларни кўчирган айрим хаттотлар ҳам имловий хатоларга йўл қўйишган. Мана шу омиллар шоир асарларидаги турли-туманликни келтириб чиқаради.

Биз бу масалани кўтариб, ўқувчиларнинг бошини ғовлатишни, уларни бундай матн билан боғлиқ муаммоларга аралаштиришни мақсад қилаётганимиз йўқ. Аммо ўқитувчи бундай муаммолар билан таниш бўлиши зарур. Чунки айрим иқтидорли ўқувчилар бу масала билан таниш бўлиши ва савол билан ўқитувчига мурожаат қилиши мумкин. Шу сабабли ўқитувчи Машраб асарлари нашрлари билан таниш бўлса, муаммога ўрин қолмайди.

Машраб асарларини таҳлил қилганда компьютер технологиясидан, интернет маълумотларидан ҳам фойдаланиш дарс самарадорлигини янада оширади.

ЗОКИРЖОН ХОЛМУҲАММАД ЎҒЛИ ФУРҚАТ

XIX асрнинг II ярми ўзбек адабиётини Фурқат ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Унинг исми Зокиржон, отасининг исми Холмуҳаммаддир. Фурқат унинг таҳаллуси бўлиб, араб тилидаги “фироқ” сўзидан олинган. Маъноси “айрилиқ, ғурбат, ҳижрон” тушунчаларини англатади.

Дарҳақиқат, иқтидорли адиб бутун умри давомида ўзга элда ҳижрон азобини тортди, айрилиқда, ғурбатда яшади.

Зокиржон Фурқат ёшлигиданоқ зийрак ва илм-маърифатга интилувчи зукко бола бўлиб, 8 ёшларида Фаридиддин Аттор, Бедил, Ҳофиз Шерозий, Навоий каби даҳо шоирлар ижоди билан танишди.

² Машраб. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1963. – Б. 25-26.

Зокиржон бир куни туш кўрганмиш. Гўзал бир чорбоғ. Бир хушсурат йигит уни уламолар ўз даврасига чорлаётганидан хабар беради. Борса, уч нуроний киши. Зокиржон салом бериб, қўл қовуштириб, хизматда турганмиш. Улар бўлажак шоирдан қайси сабоқни мутолаа қилаётганини сўрашади. Унинг Навоийни ўқиб юрган чоғлари эди. Дарҳол “Девони Амир Навоий” деб жавоб беради. Улар ишорати билан дарҳол бир киши унинг олдига бир китоб келтиради. Бу – “Чордевор” эди. Унинг қўлига қалам ва қоғоз беришади, бир мисрадан шеър ёздиришади. Сўнгра бу ёш йигит ҳаққига дуо қилиб, шеър машқига рухсат қилишади. Уч мўйсафиднинг улуғи Алишер Навоий эди. Бу пайтда Зокиржон 9 ёшда бўлиб, қуйидаги байтни ёзади:

Менинг мактаб аро булду муродим,

Хатимдек чиқса имло-ю саводим.

Бўлажак адиб ўн ёшларида Фузулийни мутолаа қилади. 1870 йилда Ашур Муҳаммад қори хизматига кириб, Қуръон қироатини ўрганади. Мадрасага ўқишга киради, аммо уни тўла тамомлай олмайди. Кейин савдосотиқ ишларида ишлашига тўғри келади, бироқ у шоирлик иқтидорини тобора юксалтиришда давом этади.

Йигирма ёшларида Зокиржон бутун Фарғона водийсида шоир сифатида танилган эди. У Муқимий, Муҳъйи, Завқий, Нодим, Муҳаййир, Нисбат каби шоирлар даврасида бўладиган адабий йиғинларда мунтазам иштирок этади.

Фурқат ҳаёти ранг-баранг ва турли саргузаштларга бой. Шу сабабли дастлаб унинг ҳаётидаги асосий саналарни бир тизимга солиб ўқувчиларга тақдим этиш зарур.

Шоир ҳаётининг асосий саналари:

1859 йил – Қўқон шаҳрида таваллуд топди.

1866 йил – мактабдор Мулла Муҳаммад Олимдан таълим ола бошлади, форс тилини ўрганди.

1867 йил – Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ-ут тайр” асари билан танишди, шеърлар ёза бошлади.

1870 йил – Жомеъ масжиди мударриси Подшоҳўжадан араб тили бўйича таҳсил ола бошлади.

1873-1876 йил – мадрасада таҳсил олди.

1876 йил – Янги Марғилонда тоғасига савдо ишларида ёрдамлашди.

1880 йил – Қўқонга қайтиб келди, оила курди. “Ҳаммоми хаёл” асарини ёзди. “Чор дарвеш”, “Нухманзар” асарларини форсчадан таржима қилди.

1886-1887 йил – оиласи бузилиб, яна Марғилонга борди. Муқимий, Завқийлар билан ҳамкорлиги бошланди.

1889 йил – Хўжанд орқали Тошкентга келади, кўплаб ғазаллар ва мухаммаслар яратади.

1890 йил – “Туркистон вилоятининг газети”да “Гимназия” шеъри чоп этилади.

1891 йил – Самарқанд-Бухоро-Марв-Ашхобод-Боку-Ботуми йўналиши билан Истамбулга етиб келади.

1892 йил – Арабистонга йўл олиб, Макка, Жидда, Мадина шаҳарларини саёҳат қилиб, Ҳиндистонга ўтади.

1893 йил – Кашмир вилоятига боради, ундан Ёркентга ўтиб, ўша жойда турғун бўлиб қолади.

1897 йил – “Ёқуббек марқумнинг қўлига тушган Қашқар вилоятининг аҳволоти хусусида”, “Қашқар вилоятидаги сартия халқларининг зиндагончилик аҳволотлари хусусида” каби халқаро мавзудаги публицистик асарларини эълон қилди.

1905 йил – “Ҳинд найрангбози Ёркентда” асари билан илк ўзбек фелъетончилигини бошлаб берди.

1909 йил – Ёркентда вафот этди.

1913 йил – шоирнинг лирик шеърлари китоб ҳолида дастлаб Муқимий шеърлари билан биргаликда баёз шаклида тошбосмада чоп этилди.

1959 йил – шоирнинг 100 йиллик таваллудига бағишлаб икки жилдлик асарлари босилиб чиқди.

Ўқувчиларни ушбу саналар билан таништиришда кўргазмалиликка асосий эътиборни қаратиш керак. Ўз навбатида, шоирнинг ўзбек адабиётидаги ўрнини белгилашда унинг ижоди хусусида адабиётшунослар томонидан билдирилган эътирофларни ҳам шарҳлаб ўтиш яхши самара беради.

Ҳ.Воҳидов:

Фуркат болалик чигидан бошлаб адабиётга қизиқади, шарқ поэзияси классикларининг асарлари билан танишади. У ўн яшарлигида биринчи шеърини ёзади, кейинчалик Фуркат Фузулий, Саъдий, Бедил, А.Навоий каби шоирларнинг асарларини чуқур ўрганади (Воҳидов Ҳ. Фуркат ва Муқимийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. – Т.: Ўздавнашр, 1958. – Б. 25.).

Фуркатнинг ижоди, дунёқараши ва ғоявий меросининг асосий йўналишини ўз Ватани, миллати ва халқи тақдири учун куюниш, унинг келажакда саодатли бўлишга катта умид ва ишонч боғлаш, бунинг асосий воситаси илм-маърифат, маданиятни пухта эгаллаш эканини англаб етиш ва шуни тарғиб қилиш деб тушунган (Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 379.).

Фуркат ўзбек публицистикасининг шаклланиши ва ривожига катта ҳисса қўшди. Ўзбек адабиётида замонавий маънодаги публицистикага асос солди, унинг тематик доирасини кенгайтириб, актуал, ижтимоий-сиёсий муаммоларни илғор тушунчалар ва халқчил позициядан ёритишни бошлаб берди” (Ўзбек энциклопедияси. – Т.: Ўзбек энциклопедияси бош редакцияси, 1979, 12-том. – Б. 216.).

IX синф “Адабиёт” дарслигида шоирнинг “Гулистонлар”, “Тортадур”, “Бормасмиз” радибли ва “Сурмадин кўзлар қаро” деб бошланувчи 4 та ғазали ва битта мухаммаси ва битта мусаддаси берилган. Биз бу асарлардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

Фуркатнинг ҳақиқий Фуркат эканини очиқ-ойдин баён этадиган асарларидан бири “Адашганман” мухаммасидир.

Шеърга “адашганман” тарзида радиф танлашнинг ва шу сўзга урғу берилишининг ўзида ҳам чуқур маъно мужассамлашган.

Киши ҳолимни билмас, меҳрибонидин адашганман,
Ватан оворадурман, дўстонидин адашганман,
Ватансиз бенаводурман, маконидин адашганман,
Ғариби кўйи ғурбат хонумонидин адашганман,

Ваё бир мурғи ваҳший ошиёнидин адашганман деган мисралар билан бошланадиган бу шеър шоирнинг араб мамлакатлари сафари даврида 1892 ёш пайтида ёзилган.

Фурқат айриликни ўзига хос дард деб баҳолайди. Шу сабабли менинг фиғонимга ажабланманг, демоқчи бўлади:

Кезиб дашту биёбон баҳр-у барлар йиғласам, тонг йўқ,
Тўкиб ёш ўрнига кўздин гуҳарлар йиғласам, тонг йўқ,
Малолат зоҳир этманг, ҳамсафарлар, йиғласам, тонг йўқ,
Чекиб булбул каби афғон саҳарлар йиғласам, тонг йўқ
Ки, келди фасли гул, мен гулистондин адашганман.

Мазкур мухаммас шоирнинг ўзига Фурқат тахаллусининг танлаганини ёрқин намоиш этади. Чунки бу сўз унинг тақдири билан ғоят уйғун ва ҳамоҳангдир:

Лақаб ҳар кимсага мардум ба қадри одатий дерлар,
Ўшал ким анжуманда ўтса умри Сухбатий дерлар,
Фано куйида кимки муътакифдур Хилватий дерлар,
Замон аҳли бу боисдин тахаллус Фурқатий дерлар,
Неча йилдур бир ошуби замонидин адашганман.

Мухаммасни ўқувчиларга дастлаб ўқитувчининг ўзи ифодавийликка риоя қилган ҳолда ўқиб бериши керак.

Шеърдан англашилишича, лирик қаҳрамон ҳолидан ҳеч ким хабар олмайди. Фақат битта нарса маълум – шоир адашган, ҳаётида хатоликка йўл қўйган. Шу сабабли шеърнинг ҳар мисрасида, ҳар бандида ўша сўзга алоҳида

урғу беради, фикрини таъкидлайди. Ҳатто “Ватансиз бенаво” эканини алоҳида уқдиради.

Шу ўринда ўқувчиларга ватаннинг нақадар азиз эканини ушбу мисол билан кенг ва атрофлича тушунтириб ўтиш лозим.

Уларга:

- Мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларига борганмисиз?
- Борган жойингизда ўзингиз туғилиб-ўсган қишлоқ ёки шаҳарни соғинганмисиз? – каби саволлар билан мурожаат қилиш лозим.

Ўқувчиларнинг анчагинаси бошқа шаҳарларга саёҳат қилиб ёки қариндош-уруғларини излаб бориб, меҳмон бўлган бўлишлари, шубҳасиз. Шундай саёҳатларга борган ўқувчиларни сўзлатган маъқул. Улар, албатта, ўзи туғилган масканларини соғинганликларини айтишади. Ана шу муносабат билан Фурқат ҳаётидаги айрилиқни чоғиштириб, ўз она юртининг нақадар севимли эканини шарҳлаб бериш мумкин. Болалар шу аснода она-Ватан қадрини яна бир бор идрок қилишади.

Фурқатнинг “Сайдинг қўя бер, сайёд” мусаддаси ҳам унинг ижодида алоҳида кўзга ташланиб туради. 42 мисрадан ташкил топган бу асар ўзига хос озодлик мадҳиясидир. Мусаддас мавзусиданоқ яққол англашиладики, унда “сайд” – “ов”, “сайёд” – “овчи” мажозий образлари иштирок этишади. Бу тимсоллар замирида қуллик ва озодлик тушунчалари ётади.

Сайд – озодликка интилувчи тутқун образи.

Сайёд – зўравонлик, шафқатсизлик тимсоли.

Фурқат бу образлар орқали мустамлакачиликни, қулликни, қарамликни қоралайди. У сайд билан сайёд образларини ўзаро зидликда тасвирлар экан, ўз бадиий ниятини янада ёрқинроқ ифодалайди.

Асар бошдан-оёқ чуқур лирик кечинмалар билан суғорилган. Адиб оригинал ифодалар, самимий кечинмалар орқали илғор ижтимоий ғояларни илғари суради.

Сайд образи китобхонда ачиниш, раҳм-шафкат, мурувват ва меҳрибонлик ҳиссиётларини кўзғатади ва унга муҳаббат ҳисларини жўш урдиради:

Бечорани зулм айлаб, қўл бўйнини боғлабсан,
Ҳар сори чекиб-судраб, ўлдурғали чоғлабсан,
Кўксини жафо бирла лола каби доғлабсан,
Сот менга, агар қасдинг олғувчи сўроғлабсан,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Шоир мусаддаснинг дастлабки бандидаги бадиий тасвирга алоҳида эътибор қаратган. Фурқат бу бандда сайд билан ўзини қиёс қилиб, унинг кечинмаларини ўз кечинмалари каби эмоционал-ҳиссий лиризм билан ифодалайди.

Сайдинг қўябер сайёд, сайёра экан мендек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек,
Ўз ёрини топмасдан овора экан мендек,
Иқболи нигун, бахти ҳам қора экан мендек,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек,

Мусаддасда сайёдга даъват сифатида битилган сўзлар гарчи илтимос, ёлвориш, ўтинч оҳангида айтилган бўлса-да, уларнинг замирида аслида талаб ва хитоб кайфиятлари бўртиб туради:

Кес риштаниким: қилсун чаппаклаб отуб жаста,
Ҳажрида алам тортиб, бўлди жигари хаста.
Тоғларға чиқиб бўлсун ёри билан пайваста,
Кел, қўйма бало доми бирла они побаста,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Адиб тузоққа илинган оҳунинг аҳволини ранг-баранг ташбеҳлар ва чоғиштирмалар билан тасвирлар экан, ҳар гал овчидан уни озод қилишни

сўрайди. Шоирнинг фикрича, яшамоқ аввало хур, эркин ҳаёт кечирмоқдир. Шундай экан, адиб: “Бас, риштани кес” дея, ҳайқиради. Овчига шундай хитоб қилади:

Беш кун сени даврингда бечора хиром этсин,
Оҳулар ила ўйнаб, айшини мудом этсун,
Ёмғур суви тўлганда, тоғ лолани жом этсун,
Ҳаққингга дуо айлаб, умрини тамом этсун,
Ҳижрон ўқидин жисми кўп ёра экан мендек,
Куйган жигари-бағри садпора экан мендек.

Ҳар бир инсоннинг ўз туғилиб-ўсган эли Миср! Бу ибора халқимиз томонидан бежиз айтилмаган. Худди шунингдек, ҳар бир жонзотнинг ҳам ўз яйлови бор. Унга тенг келадиган бошқа маскан йўқ. Шу сабабли уни ўз эркига қўйиш даркор. Бироқ бу мисралар замирида ҳар бир халқнинг турмуши ва тараққиёти мутлақо унинг мустақиллиги ҳамда ўз анъаналари асосида давом этмоғи лозим, деган ғоя ётади. Бу ҳол Фурқат ижодини ҳозирги давр билан боғлайдиган асосий нуқталардан биридир.

Дарс жараёнида ўқитувчи ушбу ғояни ҳозирги эркин ва хурликка асосланган давримиз билан боғлаб тушунтириши керак. Эркинлик ва хурликдан ҳам бебаҳо бўлган неъмат йўқлигини ўқувчилар онгига сингдириш зарур.

Фурқатнинг ушбу мусаддаси ҳақида гапирганда, яна бир масалани ҳам ҳисобга олиш зарур. Чунки бу мусаддаснинг яна бир кўриниши XVII аср охирида Хоразмда яшаб ижод қилган шоир Нурмуҳаммад Андалибнинг “Лайли ва Мажнун” достонида учрайди.

Мажнуннинг чўл-у биёбонга, тоғларга чиқиб оҳулар билан тиллашиб юрган лавҳалари барча ўқувчиларга маълум. Худди шу лавҳада Мажнун сайёд домига тушган оҳуга дуч келиб, уни озод қилишни овчидан ўтиниб, илтижо қилади ва шу жараёнда ушбу мухаммасни айтади:

Сайдинг қўябер, сайёд, дилпора экан мендек,
Чўлларда кезиб юрган сайёра экан мендек,

Сарто сари ҳижрондан ғамхора экан мендек,
Саргашта ғариб бўлган овора экан мендек,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек.

Беш кун сенинг даврингда бечора хиром этсин,
Кўнглидаги ғамларни юз қатла ҳаром этсин,
Ҳар қайға қадам ташлаб, йўл топса, мақом этсин,
То тоқати тоқ бўлмай, ёриға салом этсин,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек

Ишқ офатидин Мажнун жулидаи пар бўлдим,
Авзойимни эл билмас, ахволи дигар бўлдим,
Назр эт буни сен менга, бировни тилар бўлдим,
Гўёки қиёматлик, мен сенга писар бўлдим,
Ол домини бўйнидин, бечора экан мендек¹.

Андалиб шеърни мухаммас шаклида, Фурқат эса мусаддас шаклида ижод қилишган. Албатта Фурқатнинг шеъри Андалибникидан муайян даражада фарқ қилади. Ўзбек мумтоз адабиётида тазминнавислик анъанаси мавжуд. Фурқат ҳам ўша анъана доирасида фаолият кўрсатиб, ўзидан олдинги устоз шоир шеъри асосида мусаддаснинг оригинал кўринишини муваффақият билан амалга оширган.

ЧЎЛПОН

XX аср бошида ижод қилиб, ўзбек адабиёти хазинасига бебаҳо асарлари билан муносиб ҳисса қўшган, мураккаб тақдир эгаларидан бири талантливий ёзувчи Чўлпон – Абдулҳамид Сулаймон ўғлидир.

¹ Андалиб. – Ашхабод: Туркманистон, 1991. – Б.76.

Чўлпон ўз даврининг илғор кишиларидан бўлиб, адабий ижодга дадил қадамлар билан кириб келди. Лирикада, насрда, драматургияда ўз қаламини синаб кўрди, ижоднинг қайси соҳаси бўлмасин, у доимо халқ олқишида бўлди. Таржима соҳасида ҳам машҳурлик қозонди, санъат, театршунослик йўналишларида ҳам баракали меҳнат қилди. Бироқ алғов-далғовларга бой бўлган 30-йиллардаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт унинг бошига турли савдоларни солди. Уни миллатчиликда айблаб, ишдан четлатишди. Шеърларида умидсизлик, тушкунлик оҳанглари устуворлик қилади, янги жамиятни шодликка тўлган мисралар билан олқишламайди, деган қатор айблар қўйишди. Ўша пайтларда машҳур ёзувчи бўлиб танилган Абдулла Қодирий адибнинг “Тонг сирлари” китобига сўзбоши ёзиб, уни бу тухматлардан, таъналардан қутқармоқчи бўлиб, қуйидагиларни ёзган эди: “Баъзи бир ўртоқлар Чўлпонни “йиғлоқ” деб айтиб, камситадилар. Балки ҳақлари ҳам бордир, чунки унинг:

Чечаклар ўсгуси кўз ёшларимдан,

Бўғунлар унгуси ўйлашларимдан, –

деб ҳасратланиши бизнинг кўз олдимизда “йиғлоқ” бир шоирни гавдалантиради. Бироқ шоир шу тўккан кўз ёшларидан чечаклар ўстирмоқчи бўлса эди, биз ҳам унинг муътаризлари қаторига кирган бўлар эдик.

Анқов таъначилар шоирни ранжитишга мудовамат қиладирлар. Ҳатто “сен кўк шоири” дегувчилар ҳам бўлиб, чорасиз шоир уларга ўз ҳолидан очиқ жавоб беришга мажбур қоладир:

Сиз дейсизким мен кўкларни ўйлаймен,

Ер бетига сира назар солмаймен,

Янглишасиз: мен кўкларга беркинган,

Ер қизидан ҳаёлимни олмаймен.

Октябр ўзгариши қаро тунимизнинг тонгини отдирди эса-да, бу мудҳиш кечанинг баднамо кўлагалари ҳамон шоирнинг юрагини титратдилар ва ул чор-ночор йиғлади. Шу йиғи орасида барқ уриб кўринган эрк қуёши бу кўз ёшларидан “чечаклар унгуси”ни сўзлади.

Менимча, “Тонг сирлари”да кўрилган кўз ёшларнинг сирри шудир. Шу қисқа жумлада ўқиғувчини бу кунги Чўлпон билан таништира олган бўлсам ўзимни бахтли санар эдим”¹.

Ўқитувчи ушбу тафсилотлардан сўнг ўқувчиларни эътирофлар ва ёзувчи ҳаётидаги асосий саналар билан таништириши лозим.

1893 – Андижонда таваллуд топди. Мадрасада, кейин рус-тузем мактабида ўқиди.

1912 – йирик сиёсат жамоат арбоби Аҳмадбаки Валидий билан танишди.

1914 – “Дўхтир Муҳаммадёр”, “Адабиёт надир?” каби дастлабки асарларини ёзди.

1917 – Бутун Бошқирдистон Қурултойида катнашиб, котибият аъзолигига сайланади.

1921 –Тошкентда бўлиб ўтган тил ва имло конференциясида иштирок этиб, ўз мулоҳазаларини баён қилди.

1921-1922 – “Бухоро ахбори” газетасида муҳаррир.

1923 – Андижонда “Дархон” газетаси таҳририясида ишлади.

1922-1926 – “Булоқлар”, “Тонг сирлари”, “Уйғониш” шеърий тўпламлари чоп этилди.

1928-1930 – Самарқанддаги драма театрида адабий эмакдош бўлиб ишлади.

1929 – Шоирнинг отаси вафот этади.

1932 – Москвага кўчиб кетади. Таржима билан шуғулланади.

1935 – Тошкентга қайтиб келади. “Кеча ва кундуз” романи, “Соз” шеърлар тўпламини яратди.

1937 – Қамоққа олинади.

1938, 4 октябр – отиб ташланади.

1957 – Собик Шўро суди томонидан оқланди.

1958 – Чўлпон адабий меросини ўрганиш бўйича комиссия тузилади.

¹ Чўлпон. Адабиёт надир. –Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 184-185.

1985 – Чўлпон ижодини кенг доирада ўрганиш бошланиб кетди.

Профессор Озод Шарафиддинов:

“Ҳар қандай чинакам истеъдод соҳиби каби Абдулҳамид Чўлпон ҳам ижоднинг деярли ҳамма соҳаларида самарали фаолият кўрсатган. У ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург, ҳам таржимон, ҳам публицист бўлиши билан бирга, баркамол мунаққид, моҳир адабиётшунос, ўзига хос тарзда фикрлайдиган санъатшунос ҳам бўлган.

(Шарафиддинов О. Чўлпон / Адабиёт надир. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 3.)

Профессор Ғулом Каримов:

“Чўлпоннинг ажойиб сеҳрли шеърларини, бемисл чиройли асарларини кўп ўқиган бўлсам-да, уни яқиндан биринчи кўришим эди. Чўлпон барваста гавдали, оқ-сарикдан келган киши эди. Юзида билинар-билинемас сепкили бўлиб, кичик кўзли кўзойнаги унинг юзига нуронийлик бахш этиб турар эди”.

(Чўлпон. Адабиёт надир. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 203.)

Бастакор Мутаваккил Бурҳонов:

“Фитрат билан Чўлпон маданиятимизнинг икки буюк сиймоси эдилар. Тақдир менга улар билан кўришиш, суҳбатларидан баҳраманд бўлиш бахтини адо этди. Энди билсам, улар билан ҳамсуҳбат бўлиб ўтказган фурсатларим умримнинг энг нузли фурсатларидан экан”.

(Чўлпон. Адабиёт надир. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 192.)

Профессор Эргаш Умаров:

“1921 йилда Тошкентда бўлиб ўтган тил ва имло конференциясида Чўлпон унлилар сони еттита бўлсин деганда, ҳақ эди. Аммо конференция иштирокчилари алифбони ихчамлаштириш мақсадида жанжал билан бўлса-да, олти унли ҳақидаги қарорни қабул қилдилар.

Чўлпон бундан 70 йил илгари лотин ёзувига ўтишимизни башорат қилган эди. Шоирнинг башорати рўёбга чиқди. Биз ҳозир шоир башорат қилган лотин ёзувига ўтдик”.

(“Ўзбек тили ва адабиёти”, 2003, № 4. – Б. 45.)

Профессор Уммат Тўйчи:

“Чўлпон ўзбек жадиличилигининг фаол иштирокчисидир. Жадиличиликнинг сиёсий, фалсафий, иқтисодий, маданий ва адабий ғоялари Чўлпон ҳаёти ва ижодига ҳам дадил кириб келди. Фитрат Чўлпоннинг устози бўлган. Абдулла Қодирий Чўлпонни “озодлик шоири” деб атаган. Чўлпон сиёсий лирикада шундай даражага етдики, бу даражага ҳали ҳеч ким кўтарила олмаган”.

(“Ўзбек тили ва адабиёти”, 1998, № 2. – Б.17.)

Чўлпон:

“Адабиёт яшаса – миллат яшар. Адабиёти ўлмаган ва адабиётининг тараққиётига чолишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун хиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб секин-секин инқироз бўлур”.

(Чўлпон. Адабиёт надир. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 36.)

Ушбу эътирофлар ва Чўлпоннинг адабиёт ҳақидаги фикрини албатта кўргазмали қурол сифатида намоиш қилиш лозим. Шу билан бирга, мазкур материаллардан шоир ҳақида альбом тайёрлаб, уни расмлар билан тўлдирилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

IX синф “Адабиёт” дарслигида адибнинг бешта шеъри ва “Кеча ва кундуз” романидан парча берилган.

Чўлпоннинг шеърларида, ҳақиқатан ҳам, ички бир дард ўзини намоиш қилиб туради. Шоир негадир хомуш, кайфиятсиз, нимадандир кўнгли хижил. Масалан, “Кишан” шеърини олиб кўрайлик. Шоир уни 1922 йилда ёзган. Бу даврда Октябрь тўнтаришининг бешинчи йили эди.

Кишан

Кишан, гавдамдаги **излар** букун ҳам битгани **йўқдир!**

Темир бармоқларингнинг боғи буткул кетгани **йўқдир!**

На **мудҳиш**, на совуқ-**манҳус**, на қизғанмас **қучоғинг бор!**

Башар тарихининг ҳар саҳфасида **қонли доғинг бор!**

Юмилмас кўзларингнинг ҳар бири бир элни **қаҳр айлар**,
Фақат бир борлигингдирким, **бутун** борлиқни **заҳр айлар!**

Кулф билан сенинг эркингда **кўп йиллар қолиб кетдим...**
Фақат **ҳар тебранишдан** қутилишлиқни умид этдим.

Кишан, гавдамдаги доғинг хануз ҳам **битгани йўқдир**.
Фақат буткул қутулмоққа **умидим энди ортиқдир!...**

Даставвал шеърни ифодали ўқишга тайёрлаш лозим. Бунинг учун мисраларга мантикий урғуларни қўйиш даркор. Шеър матнига биз таъкид белгиларини қўйиб чикдик. Ўқитувчи таъкидланган сўзларни алоҳида бўрттириб ўқиши лозим. Шоир қалбидаги туйғуларни ўз шеърларида кўпроқ радифларга юклаган. Шу сабабдан ҳам уларни феъл туркумидан танлаган. Ифодали ўқишда буни, албатта, ҳисобга олиш зарур.

Шеърда шоирнинг нимадандир норози эканини англатувчи ифодалар кўплигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Энди бу норозиликнинг сабаби масаласига келсак, уни ўша даврдаги ижтимоий тузумдан ахтариш лозим бўлади.

Маълумки, XIX аср ўрталарида Ўрта Осиёни, шу жумладан, Туркистонни Россия босиб олди. Натижада халқнинг қўл-оёғига кишан солинди. Меҳнаткаш омма қуллиққа юз бурди. Қарамлик, қашшоқлик, ҳуқуқсизлик ҳукм сурди.

Ярим асрлар ўтгандан кейин Шўро тузumi ҳукмронликни ўз қўлига олди. Озодлик, тенг ҳуқуқлилик, эркинлик каби шиорлар майдонга ташланди. Халқ бундан қувонди, янги тузумни қўллаб-қувватлади. Баъзи ваъдалар амалга ҳам ошди. Аммо вақт ўта боргани сайин бу ваъдалар оғиздагина қолиб кетди. Адиб бу тузумда ҳам ҳали кишанлар парчаланмаганидан афсус чека бошлади. У ўша пайтдаёқ мустақиллик қўлга киритилмаса, кишан кишанлигича қолиб кетишини тушуниб етди. Унинг дилини ўртаган, қалбини хижил қилган ана шу муаммо эди. Унинг

“гавдасидаги доғ”нинг ҳануз сақланиши ҳам ўша муаммога бориб тақалади. Адибнинг маъюслигининг, “йиғлоқи”лигининг сабаби ҳам ўша.

Ўқитувчи бу шеърни ҳозирги мустақиллик даври билан боғлаган ҳолда шарҳлаб бериши керак.

Дарсликда келтирилган “Ёнғин” шеърида ҳам юқоридагича хусусият барқ уриб туради. Шеърда йиқилган уйлар, унга меҳмон бўлиб қўнган бойқушлар, элни ташлаб кетган қочоқлар тилга олинади. Энг асосийси, шеърда бойқушлар, бўрилар, алвастилар, парилар каби турли тимсоллар ўқувчи кўз олдида жонланади. Бу тимсоллар адабиётда азал-азалдан ёвузлик, кўрқув, даҳшат сингари тушунчаларни ташиганлар.

Шоир шеърида нега бу тимсолларга мурожаат қилган? Буни фақат мисралар бағридан ахтариб топишга тўғри келади:

Ёнғин

Нега меним қулоғимда тун ва кун

Бойқушларнинг шумли товуши бақирар?

Нега меним борлиғимга ҳар ўюн

Ва ҳар кулги **оғу сепар, ўт қўяр?**

Кўнглим каби **йиқик** уйлар, қишлоқлар,

Бойқушларга **бузук** кўксин очганми?

Ота-она, таниш-билиш, ўртоқлар

Юртни **ташлаб, тоғ ва тошга** қочганми?

Шундай катта бир ўлкада **ёнмаган,**

Йиқилмаган, таланмаган уй йўқми?

Бир кўз **йўқми** қонли ёши **томмаган,**

Бутун кўнгил **умидсизми, синикми?**

Подаларнинг яйловида **бўрилар**

Қонга тўйгач, **увлайларми** кўплашиб,

Йиқиқлардан ўликларни тўплашиб,
Ўтми қўяр алвастилар, парилар?

Табиатнинг бутун ёмон томони
Шу ўлкага фақат жилва қилдими?
Мўминларнинг оқ виждони, имони
Шам сўнгандай тинсизгина сўндими?

Қиличларнинг тилларида қизил қон,
Булоқларнинг суви янглиғ тошдими?
Яланг бола, яланг гўдак-маъсум жон
Найзаларнинг бошларидан ошдими?

Кенг яйловга ўтми кетди, ёндими?
“Маданият” истагига қондими?

Шеър бошдан-оёқ умидсизлик ғояларига чулганган, “йиғлоқи”. Бу ҳолатни ёзувчининг ҳаётга бўлган дунёқарашидан излаш зарур. Шеърдаги айрим ифода воситаларига разм солайлик:

Ифода воситаси, тасвир	маъноси	Вазифаси
Бойқушларнинг шумли товуши	ёмонлик	тушкунликни, бахтсизликни ифодалаш
Оғу сепар, ўт ёқар	бахтсизлик	алғов-далғов турмушни тасвирлаш
Йиқиқ уйлар	вайронагарчилик	халқ аҳволини кўрсатиш
Тоғ ва тошга қочмоқ	қувғин	зулм-зўравонликни тасвирлаш
Йиқилмаган, таланмаган уй йўқми?	хонавайронлик	босқинчилик оқибатини кўрсатиш
Қонли ёш, кўнгли синиқ.	зулм	эзилган халқ ҳаётини ифодалаш
Подаларнинг яйловида бўрилар	халқ орасидаги ёзувчилар	халқни шилаётган кимсаларга ишора
Қонга тўймоқ, увламоқ	халқни таламоқ	халқ ҳисобига

		бойиганларнинг кутуришини эслатиш
Йиқиқлардан ўликларни тўплашиб	хунрезлик	қатл қилинган оммага ишора
Алвастилар, парилар	босқинчилар	келгинди қонхўрларга ишора
Шам сўнгандай сўндими?	умидсизлик	орзу-умиднинг барбод бўлишига ишора
Қиличларнинг тилларида қизил қон	босқинчилик уруши	шафқатсиз жазога ишора
Яланг бола; яланг гўдак, маъсум жон	қирғин	аёвсиз қатлиомга ишора
Ўтми кетди, ёндими?	ёнғин	уйларга ўт қўйилганига ишора
“Маданият” истагига қондими?	келгиндилар шиори	ўзларини “маданиятли” ҳисоблаган босқинчиларга киноя

Шеърда берилган тасвирий ифода­лар, тимсоллар, киноя ва қочиримлар остида жуда катта маънолар мужассамлашган.

Шоир рус истилоси даврида қонли воқеалар, хунрезликлар, босқинчиликларни ўз шеърида эсга олади. Босқинчилар томонидан найза учига илдирилган гўдакларгача эслайди.

Энг асосийси, 1917 йилги инқилобдан кейин ҳам халққа “маданият” тарқатамиз, деган шиор остидаги ҳаракатлардан қоникмаганини эслатади: ҳамон эски ҳаммом, эски тос эканидан афсусланади, бировларга қарам бўлиб яшаш ҳеч қачон халқни эзгуликка олиб чиқмайди, деган хулосага келади.

Шоирнинг бундай чиқишлари мустамлакачиларга ёқмас эди, албатта. Шу сабабли унинг боши устида булутлар қуюқлашиб, охир-оқибат шоир ҳаётидан жудо бўлди.

Ўқитувчи шоир тақдирининг кейинги йилларда эъзозланганини ҳам далиллар билан кўрсатиб, дарсни якунлаши керак.

ОЙБЕК

XX аср ўзбек адабиётининг йирик дарғаларидан бири бўлган Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек халқига буюк адабий мерос қолдирди. Унинг ҳаёти ва ижодини қуйидаги саналар билан белгилаш мумкин.

1905, 1 октябр – Тошкент шаҳрида туғилди, дастлаб эски усулдаги мактабда ўқиди.

1918 – Янги усулдаги “Намуна” мактабида таҳсил олди.

1921 – 1925 – Навоий номидаги таълим –тарбия билим юртида ўқишни давом эттирди.

1927 – 1930 –Ленинграддаги халқ хўжалиги институти ва Ўрта Осиё Давлат университетида ўқиди.

1930-1935 – Олий ўқув юртларида иқтисод фанидан дарс берди.

1934 – 1937 – ЎзРФА Тил ва адабиёт институтида бўлим мудир.

1938 – 1941 – Ўқув-педагогика нашриётида муҳаррир.

1943 – 1953 – Ўз РФА ижтимоий фанлар бўлими бошлиғи.

1945 – 1950 – Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси.

1958 – “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали бош муҳаррири. Бу ишда адиб умрининг охиригача ишлади.

1968 – Тошкент шаҳрида вафот этди.

Буюк адиб ҳаётининг ушбу асосий саналарини алоҳида ёзиб, адабиёт кабинетига сақлаш лозим. Шунингдек, адиб ҳаёти билан боғлиқ фотосуратлардан альбом тайёрлашни ҳам йўлга қўйиш яхши самара беради. Ёзувчи ҳақидаги кинофильм дискини ҳам ўша альбомда сақлаш керак.

Адибнинг улуғлигини яққол кўрсатувчи далил унга буюк ёзувчилар, яқин сафдошлари томонидан берилган баҳоладир. Шу сабабли ўқитувчи ушбу усулдан самарали фойдаланиши, қуйидаги кўчирмаларни келтириши зарур:

Академик М.Қўшжонов: Абдулла Қодирий бошлаган, Ойбек давом эттирган тарихий роман ва драма жанрлари ўсиб, ривожланмоқда. Алишер Навоий, Улуғбек, Беруний ҳақида босилган ва босилаётган асарларни Ойбек анъаналарисиз тасаввур этиш қийин.

Абдулла Қаҳҳор: Ёзувчининг умри йил билан ўлчанмайди, ижодий фаолиятининг самараси билан ўлчанади. Ойбек 400 йилга тенг келадиган 40 йиллик ижодий фаолиятининг бир лаҳзасини ҳам самарасиз ўтказгани йўқ. Ойбек бу жиҳатдан ҳам ҳозирги ва келажак адабий авлод қаршисида устоз бўлиб қолади.

Профессор Н.Каримов: “Энг муҳими, Ойбек Абдулла Қодирий ва Чўлпонлар туфайли шаклланган ўзбек адабий тилига Ойбекона сайқал берди. (ЎТА, 2005, №2)

Ушбу юксак баҳолар Ойбек ижодининг ўзбек адабиётида тутган ўрнини белгилаб беради.

Ўқитувчи мазкур кўчирмаларни ўқувчилар онгига содда қилиб етказиш зарур. Шундан кейин ўқитувчи ёзувчи биографиясини ўқувчиларга баён қилиши керак.

Ойбек биографиясини синчиклаб ўрганган олим Наим Каримов адибнинг ёшлик йиллари ҳақида шундай ёзади: “...20 йиллардаги Тошкент. Янги шаҳар билан Эски шаҳарни боғловчи Шайхантоҳур кўчасининг Хадрага яқин, ҳозир Ҳамза театри жойлашган манзилида, театр билан кўҳна аптека биносининг ўртасидаги кўчадан тепаликка қараб кўтарилганда Говкуш номли маҳалла бўларди. 1905 йилнинг қиш чилласида ана шу маҳалланинг тор ва эгри кўчаларидан биридаги кўримсиз уйда Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳазратлари дунёга келган. Унинг болалик ва ўсмирлик кезлари шу ерда ўтган”¹.

Бўлажак адиб ва олим дастлаб эски мактабда таълим олади. 1921-1925-йилларда Навоий номидаги таълим-тарбия билим юртида ўқишни давом эттиради. 1925-йилнинг сентябрда Ойбек Ўрта Осиё Давлат дорулфунуни ижтимоий фанлар факультетининг сиёсий иқтисод бўлимига ўқишга кирази. 1927-йилда ўқишни ҳозирги Санкт-Петербургда давом эттиради. Бу ерда бўлажак адиб Шарқ тиллари институтида ҳам ишлайди. Шу жараёнда

¹ Каримов Н. Ойбек ва Зарифа. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – Б. 5.

шарқшунос олимлар билан яқин мулоқотда бўлади. Аммо касаллиги сабабли яна Тошкентга қайтади. Маълум муддатда Ялтада даволанади.

1922-йилда “Армуғон” тўпламида шоирнинг биринчи шеъри босилиб чиқади. Шундан кейин 1926-йилда “Туйғулар” номи остида илк шеърий тўплами чоп этилади. 1929-йилда “Кўнгил найлари”, 1932 йилда “Машъала” тўплamlари ўқувчиларга ҳавола этилади.

Шоир 30-йилларда бир қатор поэмалар ҳам ижод қилди. “Ўч” (1932), “Дилбар давр қизи”, (1933), “Бахтигул ва Соғиндиқ” (1934), “Темирчи Жўра” (1934), урушдан кейинги йилларда эса “Ҳамза” (1948), “Зафар ва Захро” (1950), “Даврим жароҳати” (1965) каби поэмаларни китобхонларга тақдим этди.

Ушбу йилларда ёзувчи ижоди камолот чўққисига чиқа борди. Йирик прозада адиб ўз қаламини синаб кўрди. “Қутлуғ қон” (1940), “Навоий” (1944), “Олтин водийдан шабадалар” (1949) “Улуғ йўл” (1967) ва бошқа романларини ёзиб, юксак обрўга эга бўлди.

Ойбек Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги сифатида қатор илмий ишларни ҳам амалга оширди. Жумладан, “Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди”, “Навоийнинг дунёқараши”, “Навоий ғазалиёти”, “Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли”, “Муқимийнинг ҳаёти ва ижоди” каби қатор илмий ишларни эълон қилди. 1958-йилда “Ўзбек тили ва адабиёти” журнаliga асос солди.

Талантли адиб таржима соҳасида ҳам муваффақиятли ижод қилди. Пушкиннинг “Евгений Онегин”, арман эпоси “Сосунли довуд”, Белинскийнинг “Поэзиянинг жинс ва турларга бўлиниши” каби асарларни ўзбек тилига ўғирди.

Мусо Тошмуҳаммал ўғли Ойбек қанча доно, донишманд бўлса, шунча камтар, самимий инсон эди. Меҳр тўла қалбини чақнаб турган ёниқ кўзлари айтиб турар эди². Аммо уни кўра олмайдиган “Меҳробдан чаёнлар” ҳам бор эди.

² Рамз Бобожон. У ўзи яратган хайкалдай баланд! // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2005, 29-апрель.

Мамлакатимизда 30-йиллар жуда мураккаб кечди. Ўша йилларда Ойбекнинг кундан-кунга ўсиб бораётган обрўси, халқ ўртасидаги ҳурмати кимларгадир малоллик қила бошлади. 1949-йилнинг 10 июлида уни Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг раиси лавозимидан озод қилишга эришган кучлар Воҳид Зоҳидов қўли билан “Олтин водийдан шабадалар” романини тилка-пора қилдилар, С.Лиходзиевский ёрдами билан “Қизлар” достонининг астар-пахтасини чиқардилар, Б.Файзиев ва А.Мирзоев имзоси билан “Навоий” романини чиқитга чиқармоқчи бўлдилар. Улар ҳар бир қадамда Ойбек асарларидан сиёсий хато топишга, уни миллатчи сифатида қоралашга, Шўро ҳокимиятига, шўро воқеалигига тухмат қилишда айблашга уриндилар. 1951-йил февралининг ўрталарида жумҳурият Ёзувчилар уюшмасининг партия ташкилоти Ойбекнинг хусусий ишини кўриб, уни миллатчиликда айблади ва партиядан ўчиришни тавсия этди³.

Шуни айтиш керакки, ҳақиқат ўз ўрнида қарор топиб, Ойбек яна ўз мавқеини тиклаб олди. Аммо жиддий касалликка чалинди.

Ойбекнинг буюклиги шундаки, у миллий адабиётимизнинг залворли юкини чўнг елкасига олиб, барча жанрларда муваффақият билан қалам сурди, авлодларга бой адабий мерос қолдирди. Адибнинг 100 йиллиги муносабати билан эълон қилинаётган мақолаларда драмалари ҳақида камроқ гапирилади. Ваҳоланки, унинг бу жанрдаги асарлари ҳам диққатга молик⁴.

Хуллас, буюк адиб ўз халқига буюк мерос қолдирди. Унинг асарлари ўн тилда 600 минг нусхада босилиб чикди. “Навоий” романи йигирмадан ортиқ тилга таржима қилинди.

Эъзозли ёзувчи Давлат мукофотига сазовор бўлди, халқ уни Олий кенгаш ноиблигига сайлади. Ҳозирда кўплаб ўқув даргоҳлари, кўчалар адиб номига қўйилган. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кино фильмлар яратилган. Уй–музейини салобатли “бюсти” бегаб турибди. Буюк адиб ижодининг айни гуллаган пайтида – 1968 йилда вафот этди.

³ Ўша манба. – Б. 112.

⁴ Абдусаматов Ҳ. Тарих ва бадиий талқин // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2005, 13-май.

Ўқитувчи ёзувчи биографиясини тушунтиришда унинг портретларидан, бошқа буюк ёзувчилар билан, оиласи билан биргаликда тушган расмларидан, шунингдек, ёзувчи ижоди ҳақида яратилган кинофильмлардан, унинг асарлари бўйича ишланган телефильмлардан фойдаланиши мумкин. Биография бўйича савол-жавоблар қилингандан кейин IX синф “Адабиёт” дарслигида тақдим қилинган “Наъматак”, “Тоғ сайри” шеърлари таҳлилига ўтиш мақсадга мувофиқдир. Дарсликдаги бу шеърларни дастлаб ифодали ўқишга тайёрлаш лозим бўлади.

Адибнинг халқ орасида машхур бўлган “Наъматак” шеъри ғоявий-бадий томондан юксак мисралардан ташкил топган. Унда ажойиб ташбеҳлар, дилда ҳиссиёт кўзгайдиган ифодавий воситалар, ўйноқи иборалар қўлланилган. Шеърдаги ўша поэтик элементларни болалар онгига етказиш, уларда бадий адабиётга хос тушунчаларни ҳосил қилиш ўқитувчи зиммасига тушади. Шу боисдан болаларни шеърий матн устида мустақил ишлашга ўргатиш зарур. IX синф ўқувчилари эндиликда бадий адабиётларни ўқиб, образли фикрлаш нима эканини яхши билишади. Шундан келиб чиққан ҳолда уларга матн таҳлил қилишнинг намунасини бериш зарур.

Қуйида айрим намуналар келтирамиз:

Поэтик воситалар	Номи	Вазифаси
Қуёшга кўрсатиб бир сават оқ гул	жонлантириш, сифатлаш	наъматак гўзаллигини ифодалаш
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида	жонлантириш	дарахт қиёфасини кўрсатиш
Майин рақсига ҳеч қоникмас кўнгил	жонлантириш	дарахтнинг тебранишини ифодалаш
Сўнмайди юзида ёрқин табассум	жонлантириш, сифатлаш	наъматакнинг гўзал қиёфасини тасвирлаш
Қуёшга тутди бир сават оқ гул	жонлантириш, сифатлаш	наъматакнинг бошидаги гулни ифодалаш
Пойида йиғлайди	жонлантириш,	атрофнинг кўринишини

кумуш қор юм-юм	сифатлаш	тасвирлаш
Шамол инжуларни сепар чашмадак	жонлантириш, ташбеҳ	табиат манзарасини тасвирлаш
Нозик саломлари нақадар маъсум	жонлантириш, сифатлаш	наъматакнинг нафис чайқалишини тасвирлаш
Юксакда рақс этар бир туп наъматак	жонлантириш	наъматакнинг фусункор тебранишини тасвирлаш

Шеър табиат манзараси (пейзаж) гўзалликларини образли тасвирлаш орқали кишида юксак ҳиссиёт уйғотади. Унда баҳорнинг ҳар бир қадами поэтик деталлар орқали образли ифодага тортилади. Наъматакнинг шамолда тебраниши, қорнинг эриши, тоғлар бошидаги оппоқ қорнинг чойшабдек гавдаланиши, қояларнинг “ўшшайиб” туриши инсон ҳаракатларига кўчирилади ва жонлантириш усули орқали ажойиб бадиий тасвир рўёбга чиқади.

Шеърда қўлланилган поэтизмлар, айниқса, нафис-назокатли ифодалар сифатида бўртиб туради. Айримларини келтирамиз:

Поэтизмлар	Маъноси	Вазифаси
Виқор	улуғворлик	қоянинг баланд ва вазмин туришини тасвирлаш
Ваҳший	ёввойи	қояларнинг кўпол кўринишларини ифодалаш
Фусун	сеҳр	тоғларнинг сеҳрли киёфасини ифодалаш
Бўса	ўпич	наъматак гулининг шамол билан ўйнашишини ифодалаш
Инжу	дур	шамолда оқ гул баргларининг сочилишини тасвирлаш
Маъсум	пок	дарахтнинг нозик эгилиши тасвирини

		англантиш
Феруза	кўк рангли тош	тоғ устидаги осмонни тасвирлаш
Табассум	кулги, жилмайиш	дарахтнинг майин тебранишидаги гўзалликни тасвирлаш

Ўқувчиларга шеърдаги ифода воситаларини, уларнинг образли нутқдаги ўрнини тушунтириш поэтик фикрлашнинг моҳиятини англаб олишда ёрдам беради. Ушбу воситаларни мустақил равишда матн таркибидан излаб топиш эса болалардаги ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

“Тоғ сайри” шеърини ҳам худди шу тахлитда таҳлил қилиш, матн устида мустақил ишлашни ташкил қилиш лозим.

“Қутлуғ қон” романини эса ўқувчиларга, албатта, тўла равишда ўқиб чиқишни топшириш лозим.

АБДУЛЛА ОРИПОВ

Абдулла Орипов ўзбек шеърятининг ёрқин юлдузларидан биридир. XX аср шеърятини унинг ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

“Абдулла Орипов шеърларидаги ғоялар вақт ўтган сайин ўз юксакликларини, ранг-баранглигини намоёни қила беради”¹.

Абдулла Орипов илк шеърларидаёқ китобхон қалбига туғён сола олди.

Бундан қарийб 40 йил олдин таниқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов шундай ёзган эди: “Э.Воҳидовнинг “Муҳаббат”, А.Ориповнинг “Юртим шамоли” тўпламларини бугунги шеърятимизнинг катта ютуғи сифатида баҳолаш мумкин. Бу китоблар бугунги янги поэзиямизнинг ёрқин намуналари, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов эса шу янги поэзиянинг қарвон бошилари”².

¹ Қўшжонов М. / Ватан адабиёти. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – Б. 424.

² Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. – Т.: Ёш гвардия, 1979. – Б. 126.

Дарҳақиқат бу икки шоир гарчи дунёдан ўтиб кетган бўлсалар-да, халқнинг қалбида ўчмас из қолдириб кетдилар.

Абдулла Ориповнинг таржимаи ҳолини ўқувчиларга китоб орқали ўқиб бергандан кўра, шоирнинг ўзи томонидан қисқача ёзилган қуйидаги сатрларни ўқиб берган маъқул:

Ўз ҳақимда бир оғиз сўз...

Қарши шахридан уч-тўрт чақирим нарида Қўнғиртоғ бор.
Геологларнинг айтишича, у ниҳоятда қари тоғ эмиш. Ўша тоғнинг этагида
Некўз деган қишлоқ бор.

Оиламиз катта эди. Онам саккиз нафар боланинг тарбиячиси, тагин оилага қабул қилинган иккита етим бирга ўсдик. Уйимизда яхшигина кутубхонамиз ҳам мавжуд эди. На радио, на телевизор бор бир пайтда мен ўша кутубхонадан чинакамига фойдаланганман. Навоийни ҳам, Пушкинни ҳам, Ҳамид Олимжонни, Ғафур Ғуломни ҳам ғойибона ўша ерда таниганман.

Ўша пайтда ўқиган байтларим хануз ёдимда. Кейин 1958 йилда Олтин медаль билан ҳозирги ТошДУга ҳужжат кўтариб келдим. Отам – кекса боғбон, мени ўқишга юборгиси келмади. Чунки мен кенжатой ўғил эдим. Касбимни олсин, деди. Тошкентга келдим. Ана ўша йиллардан буён мен жонажон пойтахтимизнинг фарзандларидан бири бўлиб қолдим. Хизмат юзасидан кўп идораларга кириб чиққанман. Улардан баъзиларини санаб ўтишим мумкин: нашриётлар, “Шарқ юлдузи” журнали редакцияси, театрда эмакдошлик, Тошкент Маданият институтида дарс бериш, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси....

Анчагина китобларим нашр этилган.

(Абдулла Орипов)

Кейин ўқувчиларни талантли шоир ҳаётининг асосий саналари билан таништиришга ўтиш лозим.

1941 йил 21 март – Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Некўз қишлоғида дунёга келди.

1958 – ўрта мактабни Олтин медаль билан тамомлаб, Тошкент Давлат университетига (Миллий университет) ўқишга кирди.

1965 – Миртемир таҳрири остида илк шеърлар тўплами – “Митти юлдуз” чоп этилди.

1968 – Ойбек, Уйғун ва Миртемирлар тавсиялари билан Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди.

1963 – “Ёш гвардия” нашриётида муҳаррир.

1967 – Ғ.Ғулом номидаги нашриётда муҳаррир.

1974 – “Шарқ юлдузи” журналида назм бўлимини бошқарди.

1976 – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи.

1982 – Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлимини бошқара бошлади.

1983 – “Гулхан” журнали бош муҳаррири.

1985 – Ёзувчилар уюшмаси котиби вазифасига ўтди.

1988 – Республика муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси.

1983 – Ўзбекистон халқ шоири унвони ва Ҳамза номи Давлат мукофотини олди.

1994 – Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлди.

1996 – Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раиси.

1998 – “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланди.

2016 йил 5 ноябрь – буюк шоир дунёдан ўтди.

Абдулла Орипов шеърляти, унинг барча жанрларда ёзган асарлари хусусида кўпгина адабий танқидчилар қалам тебратишган. Шу сабабли шоир ҳақида ўқувчиларда кенг доирада тасаввур уйғотиш учун улардан айримларини келтириш ўринлидир. Дастлаб академик Матёкуб Қўшжоновнинг қуйидаги эътирофини келтирган маъқул:

“...Қайси бир шоир ўз Ватани ҳақида шеър ёзмаган? Қайси бир китобхон Ойбекнинг “Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди” деб бошланган “Ўзбекистон” шеърини завқ билан қайта-қайта ўқимайди, дейсиз? Қайси бир

китобхон Ҳамид Олимжоннинг “Бахтлар водийси” шеърини эшитиб завқланмаган дейсиз? Бироқ Абдулла Орипов на Ойбекни такрорлайди, на Ҳамид Олимжонни ва на Уйғунни. Ойбекда ўзбек халқининг бугунги куни билан кечаги ҳаёти солиштирилса, Ҳамид Олимжонда гўзал ўлка баҳор нафаси йўғрилиб, ажойиб романтик оҳангда берилади. Уйғун эса Ватаннинг бугунги қудратига урғу беради. Абдулла устозларидан сабоқ олиб, уларни такрорламаган ҳолда, Ватани ҳақида жозибали шеър яратди. У шеърга қарийб минг йилларга тенг келадиган ўз юрти тарихини жойлади...

Она-Ватан, ўтмишда жабрдийда, бугун бахтини қўлга олган халқ Абдулла шеърларининг асосий лейтмотиви. Бугина эмас. Ватан ҳақида фикр юритар экан, у баъзан ўзи туғилиб ўсган ўлка чегарасидан чиқади, бутун она сайёрага табиат мўъжизасининг улуғ вакили сифатида юксакликлардан қарайди, қараб Ҳимолай бағридаги “елкасида кўзаси, булоққа бораётган киз”ни, “фарзандларини кўксига босиб қаёқларгадир шошилаётган” бутун ер шарини кўради. Бироқ, бу “Она сайёра”нинг юрагида лахта-лахта қон, “сийнаси пора”, қаёққадир шошилади, унинг елкасида эса яхши-ю ёмон – ҳаммаси бор. Аммо бу дардқаш курранинг шундай бир жойи борки, “офтоб ўша жойга келади, у ерда ғамдан нишона йўқ, иблисга макон йўқ”.

Абдулла учун суратига қараганда “салмоғи Қува анорича келадиган”, бироқ ўзига “чексиз уммонларни, осмонўпар тоғларни сиғдира олган”, “елкасида яхши-ю ёмонларни ортиб қаёқларгадир шошаётган” ер курраси ҳам Ватан, тарихда қисматлари бир-бирига ўхшаб кетадиган Туманян юрти ҳам Ватан, ўзи туғилиб ўсган, илк бор юрагига ғулу солган, биринчи муҳаббат ҳижронини тотқизган Қарши кенгликлари ҳам Ватан... У Ватан маъносини кенг ва борлигича тушунади. У Ватанни қайси кенгликда қандай тасаввур қилмасин, у ҳар гал гўзаллик билан бирга ногўзалликларни ҳам кўради, баъзан ўша ногўзалликдан гўзаллик ахтаради ва ўша хунукликларга қарши инсон шижоатидаги гўзаллик мўъжизаларини топади.

Профессор Норбой Худойберганов:

Шахсан мен Абдулла Орипов ижодини чин қалбдан яхши кўраман.

Эркин Воҳидовни ўзига хос истеъдод эгаси сифатида ҳурмат қиламан ва ҳар иккала фаол, илғор шоирларимизнинг ўзбек шеърияти тараққиётига қўшаётган ҳиссаси жуда салмоқли эканлигини алоҳида фахр туйғуси билан айтиб келаяпман. Айниқса, Абдулла Ориповнинг ҳаёт ҳақиқатини мавжуд мураккабликлари, зиддиятлари билан ёритишдаги хизматлари бениҳоя катта.

(Ҳақиқат ёғдулари // Адабиёт ва санъат, 1985. – Б. 40.)

Филология фанлари доктори Ж.Жумабоева:

“Абдулла Орипов лирик қаҳрамони руҳий дунёси манзаралари тадқиқи шуни кўрсатадики, унга одамлар, халқ ғами, унинг қисмати ва тақдири масаласи ўчмас қилиб муҳрланган. Чунки халқнинг ҳар томонлама камолоти унинг миллат сифатида дунё юзида абадий яшаб қолишининг асосий заминидир.

(XX аср ўзбек шеъриятида психологик тасвир маҳорати. – Т.: Фан, 2004. – Б. 228.)

Ушбу эътирофлар, шоирнинг ўз тилидан баён қилинган ҳаёти ҳақидаги маълумотлар презентациялар орқали намойиш этилса ёки адабиёт кабинетига кўрсатмали қурол, безак сифатида осиб қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

IX синфнинг “Адабиёт” дарслигига шоирнинг “Сароб”, “Баҳор”, “Куз манзаралари”, “Генетика” каби шеърлари ва “Соҳибқирон” драматик достони киритилган.

Биз бу ерда унинг “Баҳор” шеърини таҳлил қилиш ҳақида ўз фикримизни баён қилмоқчимиз.

Баҳор – гўзаллик, уйғониш, яшариш фасли. Бу фасл ҳақида шеър ёзмаган адиб йўқ, десак муболаға бўлмайди.

Бироқ Абдулла Ориповнинг бу шеърининг баҳор фаслига бағишланиши, унинг гўзалликларини куйланиши билан бирга, унда кишини чуқур ўйга чўмдирадиган фалсафий мушоҳадалар ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Унда элимизнинг ўзига хос гўзал қиёфаси, миллий жиолари, буюк ўғлонлари, тарихи, тақдири каби қатор лавҳалар ўқувчи кўз олдидан бир-бир ўтади.

Аввало шеърни ифодали ўқишга тайёрлаш лозим. Кейин уни уч-тўрт ўқувчига бўлиб бериб, галма-гал ёддан айтишга ўргатиш керак. Ҳар бир бўлакни ўқиган ўқувчи ўша қисм билан боғлиқ фикрини ҳам билдирса, янада яхши бўлади.

Шеър бадииятига алоҳида тўхташ зарур. Асар матнида бадиий ифода воситаларидан самарали фойдаланилган. Ундан айрим намуналар келтирамиз:

Ифода воситаси	Номи	Вазифаси
Нақд жойда насия не керак асли?	мақол	баҳорнинг аниқ ташриф буюрганини тасвирлаш
Еллар ҳам уйғонди ишқалаб кафтин	жонлантириш	баҳор шамолига ишора қилиш
Ҳовлиқма жилғалар чопар беэга.	жонлантириш	сувнинг оқишини тасвирлаш
То суюн сочаркан абри найсонлар	жонлантириш	булутлардан ёмғир ёғишини тасвирлаш
Тоғлар ҳам юк ташлаб кўтарди кафтин	жонлантириш	тоғларда қор эришини кўрсатиш
Неча бор само ҳам кўмди қуёшни	жонлантириш	қуёшни булут қоплаганини ифодалаш
Ҳамон фироғида фиғон чекар Шош	жонлантириш	Тошкент шаҳрининг Ғ.Ғулом учун мотам тутиши тасвири
Азалий ҳукмини ўқиди ҳаёт	жонлантириш	бўлажак иш бўлди маъносини англатиш
Бақою бебақо аён буюклик	ибора	мангулик ва вақтинчалик тушунчаларини ифодалаш
Ўчган хотиралар чироғин ёқиб	жонлантириш	хотирлаш тушунчасини ифодалаш
Беш ойким, кўксимда ёнади оҳим	муболаға	соғинч ҳиссини ифодалаш
Тош қалблар турармиди тинч	сифатлаш	шафқатсизлик, бахиллик, ҳасад тушунчаларини ифодалаш
Суронлар йўлимда турибди кутиб	жонлантириш	ҳаёт машаққатлари мавжудлигини ифодалаш

Майса ҳам уйғонар қайта қиш ўтиб	жонлантириш	қайта кўкариш маъносини англатиш.
Қайтар деб сўрайман чок этиб яқо	муболаға	изтироб, зорланиш оҳангини тасвирлаш
На султон, на гадо, на шоҳ, на фақир	тазод усули	фикрни таъкидлаш, бўртдириш.
Бу кун шеъри чиққан шоирдай дунё, Жилмайиб кўяди барчага масрур	ташбеҳ ва жонлантириш	шодлик, хурсандликни ифодалаш
Дилбар келинчакнинг кўксида ғулув	ташбеҳ	севинчни, ҳаяжонни ифодалаш.
Баҳор тетапоя гўдакдай ширин	ташбеҳ, литота (кичрайтириш)	илк баҳорни тасвирлаш
Қизғалдоқ баргидай учар дилдан ғам	ташбеҳ, жонлантириш	шодлик, севинчни ифодалаш
Тошқинлар киради қалбимга меним	жонлантириш	қалбнинг тугёнини тасвирлаш

Ушбу ранг-баранг ифодавий воситаларни ўқувчиларнинг ўзларига мустақил равишда топишни топшириш керак.

Шоир шеърий нутқда ифодавий воситалар билан бирга кўтаринки, безак сўзларга ҳам кўп мурожаат қилади. Бу тоифадаги сўзлар поэтизмлар деб юритилади.

Шоирнинг мазкур шеърида ҳам поэтизмлар анчани ташкил этади. Улар шеър мисраларига оҳангдорлик, тантанаворлик, нафислик бахш этади. Уларни айримларини келтирамиз:

Поэтизмлар	Маъноси	Вазифаси
Баёт	Овоз, нафислик	Оҳангдорлик
Музаффар	Ғолиблик	Кўтаринкилик
Висол	Дуч келиш	Нафислик
Ялдо	Қора тун	Бўрттириш
Рутубат	Нам, ҳўл	Бўрттириш
Сурур	Шодлик	Кўтаринкилик
Само	Осмон	Оҳангдорлик

Саждагоҳ	Мукаддас жой	Фахр-ифтихор
Наъра	Баланд овоз	Муболағавийлик
Фироқ	Айрилиқ	Соғиниш туйғуси
Фигон	Йиғламоқ	Ғам-андух туйғуси
Рухий поён	Бағрикенглик	Муболағавийлик
Май, сафо	Шароб, кайф	Тарихийлик
Сиймо	Қиёфа	Улуғворлик
Сокин	Тинч, фароғат	Ажабланиш туйғуси
Маъсум	Пок	Ачиниш туйғуси
Хилқат	Коинот, вужуд	Улуғворлик туйғуси
Қат тол	Қотил, ўлдирувчи	Таъна туйғуси
Қисмат	Такдир	Истак туйғуси
Фано	Ўлим, йўқлик	Тилак оҳанги
Ҳилол	Ой	Кўтаринкилик

Бу тоифа сўзлар шеър матнида кўплаб топилади. Ўқувчиларнинг аксарияти бу сўзларнинг асл маъносига тушуниб ета олмайди. Чунки уларнинг деярли барчаси арабий, форсий лексикага оид бўлиб, ўзлашма қатламни ташкил этади. Шу сабабли бу сўзларни, албатта, изоҳлашга тўғри келади.

Ўқувчилар поэтизмларни матндан излаб топиб, уларнинг моҳиятига тушуниб етишларидан ташқари, сўзларни изоҳлаш жараёнида уларнинг луғат бойлиги ҳам ошиб боради.

Шоир поэтизмларни турли мақсадда қўллайди. Шунга кўра, уларнинг матнда бажарадиган поэтик функцияси ҳам айтиб ўтилса, ўқувчиларнинг бу борадаги билим доираси янада кенгаяди.

Дарсликда берилган бошқа шеърларни ҳам шу усулда ўрганиш ўқувчиларнинг мустақил ишлаб, ижодий фикрлашига кенг йўл очади. Бошқа шоирларнинг шеърларини ҳам шу тахлитда таҳлил қилишни ўрганиб олишади.

“Соҳибқирон” драматик достонини ўрганиш жараёни эса сал бошқачароқ тарзда кечади. Уни ролларга бўлиб ўрганиш яхши самара беради. Матн таҳлили эса юқоридаги тамойилда амалга оширилади.

ХУЛОСА

Адабиёт тарбия қуроли сифатида минглаб йиллар давомида истифода қилиниб келмоқда. Одатда, бадий адабиётга ошно бўлиш одам жисмига она

алласи билан кириб келади. Инсон тилга кириши билан турли қўшиқлар, жажжи эртакларга қулоқ оса бошлайди. Бошланғич мактабларда бадий адабиётга бўлган ҳавас қўшиқ ва эртаклар асосида давом этади. Бу жараёни ҳар бир таниқли шоир биографиясидан излаб топиш мумкин.

Мактабнинг юқори синфларига қадам қўйган ўспирин ўша тилга олинган босқичлардан ўтиб, йирик насрий асарлар ўқиб, мустақил фикрлайдиган даражага етишади.

Ўқитувчи синфдаги қобилиятли, иқтидорли, турли асарларни ўқиб, уларнинг мағзини чақа биладиган ўқувчиларни алоҳида эътиборда тутиши зарур ва улар ёрдамида ўзининг китобхонлик соҳасидаги фаолиятини амалга ошириши ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Юқори синфларда адиблар ижодини ўргатиш жараёнини муаллим шундай ташкил қилиши керакки, ҳар бир ўқувчи ўша адибнинг бирорта шеърини ёд олсин ёки бирорта романини ўқиб чиқсин.

Ўқитувчининг асар ғоявий мазмунини унинг тили билан боғлаб таҳлил қилиши жараёнида болалар асар тилининг нафосатини, луғат таркибини, тилнинг грамматик қурилишини, бадий воситалар ва услубий тузилишини, ибора, мақол ва маталларнинг ишлатилишини ўрганиб борадилар.

Мактабларнинг юқори синфларида дарсдан ташқари ўқиш учун китоблар рўйхатини тузиш лозим. Бу рўйхатда мактаб дастурида бўлмаган асарларга ҳам эътибор қаратиш зарур.

Шунингдек, китобхонлик масаласида фақат ўзбек ёзувчиларигина эмас, балки таниқли чет эл ёзувчиларининг машҳур асарларини ҳам ўқишга тавсия қилиш яхши самара беради. Булар ўқувчилар савиясини ошириш, ўзга халқлар ҳаёт тарзларини ўрганишда каттагина тарбиявий аҳамиятга эга.

Ўқилган асарларнинг мазмунини ўзлаштириш, шу асар ҳақида ўз фикрини ифодалаш ва хотирасида сақлаш учун нима қилиш зарурлигини ўқувчиларга ўргатиш лозим. Ўқилган асар ҳақида шахсий мулоҳазани дафтарга қайд қилиш бунинг бир усулидир. Бунда ўқувчининг ёзуви асарда олган таассуротлари доирасида бўлиши керак.

Бу ёзувда ўқувчи ўзи нимани хоҳласа шуни акс эттирсин. Ўз навбатида, ёзувнинг қисқа бўлишига эътибор қаратсин.

Дастлаб асар муаллифи ва номини қайд қилиш зарур. Кейин асар ҳақида қисқача аннотация (шарҳ) ёзишни ўргатиш лозим.

Охирида ўқувчи асарнинг қайси жиҳатлари унга ёққанини қайд қилиши керак. Ўқитувчи адабиёт тўғараги иши жараёнида китобхонлик анъаналарини мунтазам равишда ташкил этиши шарт.

Ҳар бир адибнинг йирик асарлари ҳақида аннотация тузиб, адабиёт кабинетигади альбомларга илова қилиш яхши натижа беради. Адиблар ҳаёти ва ижодини ўзида жамлаган иллюстратив альбомлар эса ҳар бир адабиёт кабинетининг асосий жиҳозларидан бирига айланиши керак.

АДАБИЁТЛАР:

1. Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини шакллантириш ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида Президент фармойиши // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2017 йил, 13 январь, №3.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ / Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 137.

3. Каримов И.А. Мактабгача таълим деганда фақат боғча тушуниладими? / Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 71-72.
4. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – Б. 438.
5. Андалиб. – Ашхобод: Туркистон, 1991. – Б. 76.
6. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1967. – Б. 71.
7. Абдусаматов Ҳ. Тарих ва бадиий талкин // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2005. 13-май.
8. Бобожон Р. У ўзи яратган хайкалдай баланд! // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2005, 29-апрель.
9. Ватан адабиёти. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – Б. 27.
10. Воҳидов Ҳ. Фурқат ва Муқимийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари. – Т.: Ўздавнашр, 1958. – Б. 25.
11. Воҳидова Р. Мустаҳкамлаш дарсида ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаши // ТАТ, 2007, №1.
12. Долимов С. Таълимий баён ва иншо. Ўрта ва олий мактаб. – Тошкент, 1960. – Б.102.
13. Жумабоева Ж. XX аср ўзбек шеърлятида психологик тасвир маҳорати. – Т.: Фан, 2004. – Б. 228.
14. Зиёдова Т. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш. – Т., 2000. – Б.163.
15. Зуннунов А., Авлиёқулов А. Педагогик тадқиқот усуллари. – Т., 2002.
16. Ибодуллаева Г. Адабиёт ўқитиш жараёнида ўқувчиларга мустақиллик мафқурасини сингдириш // “Тил ва адабиёт таълими”, 1996, №3, 12-16-бетлар.
17. Исроилов М. Таълимда интерфаол методлар // “Маърифат”, 2001 йил 14 сентябрь.
18. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг етакчи тамойиллари // “Тил ва адабиёт таълими”, 1996, №3. – Б. 40-44.
19. Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1996.
20. Йўлдошев Қ. Ўқитувчи китоби. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
21. Йўлдошева Т. Ўқувчиларда ижодий фаолиятни шакллантириш // ТАТ, 2006, №3. – Б. 22.
22. Каримов Н. Ойбек ва Зарифа. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – Б. 5.
23. Мадаев О. Иншо қандай ёзилади? –Т.: Ўқитувчи, 1991.
24. Мадаев О., Яминова С. Сценарий ёзиш воситасида ўқувчиларда мустақилликни шакллантириш // ТАТ, 1995, №3-4.
25. Маматова Г. Илғор технологиялардан фойдаланиш // Бошланғич таълим, 2004, №2. 22-23-бетлар.
26. Матчонов С. Китоб ўқишни биласизми? –Т.: Ўқитувчи, 1993.
27. Матжон С. Шеърый асар таҳлили // “Тил ва адабиёт таълими”, 1995, №2. – Б.10-14.
28. Матжонов С. Мактабда адабиётдан мустақил ишлар. –Т.: Ўқитувчи, 1996.

29. Машраб. –Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1963. – Б. 62.
30. Мелиқўзиев М. Бадий асар тимсолларини муаммоли таҳлил қилиш орқали ўқувчи шахсий нуқтаи назарини шакллантириш // ТАТ, 2007, №1.
31. Мирзааҳмедов А. Ўқувчилар фаоллигини оширишда ноанъанавий дарслар // Тил ва адабиёт таълими, 1996, 54-56-бетлар.
32. Мирзааҳмедов А. Ўқувчилар фаоллигини оширишда ноанъанавий дарслар // ТАТ, 1996, №3. – Б. 54-57.
33. Миркаримова Б. М.Юсуфнинг Ватан ҳақидаги шеърлари устида ишлашда компьютердан фойдаланиш // ТАТ, 2007, №1. – Б. 23.
34. Мирқосимова М. Бадий таҳлил усуллари (методик тавсиялар). – Т.: Муаллиф, 1993.
35. Мирқосимова М.М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва такомиллаштириш усуллари. –Т., 1995.
36. Мустафоева М. “Зумрад ва Қиммат” (спектакл-дарс) // ТАТ, 1995, №2. – Б.75-82.
37. Нурматова М. 5-синфда Ў.Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” кассасини ўрганиш // ТАТ, 1996, №3. – Б. 65-69.
38. Омонов Х. Фурқат ижоди юзасидан мулоқот дарс // ТАТ, 1995, №3-4.
39. Тўхлиев Б. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. – Т.: ТДПУ нашриёти, 2008. – Б. 110.
40. Тўхлиев Б. Адабиёт ўқитиш методикаси. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – Б.168.
41. Худойберганов Н. Ҳақиқат ёғдулари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. –Б. 40.
42. Чўлпон. Адабиёт надир. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б.192.
43. Шарафиддинов О. Чўлпон / Адабиёт надир. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 3.
44. Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. –Т.: Ёш гвардия, 1979. – Б. 126.
45. Ўзбек адабиёти тарихи. III том. – Т.: Фан, 1978. – Б. 251.
46. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 379.
47. Ўзбек энциклопедияси. 12-том. – Т.: Ўзбек энциклопедияси бош редакцияси, 1979. – Б. 216.
48. Қўшжонов М. Ватан адабиёти. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – Б. 424.
49. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 180.
50. Ғ.Ғулом. Адабий-танқидий мақолалар. I том. – Т.: Фан, 1971. – Б. 84.
51. Adabiyot: Umumiy o`rta ta`lim maktablarining 9-sinf uchun darslik. Qayta ishlangan 3-nashri. / Q.Yo`ldoshev, V.Qodirov, J.Yo`ldoshbekov. – Toshkent: Yangiyo`l poligraf servis, 2014. – 200 b.

Мундарижа:

Кириш	3
Бобур	6
Машраб	11
Фуркат	18
Чўлпон	26
Ойбек	35
Абдулла Орипов	41
Хулоса	50
Адабиётлар	52

